Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 9 (20. 276) • 1989 йил 11 январь, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

ОРБИТАДАН ДАРАКЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 10 январь. (ТАСС). Александр Волков ва Сергей Крикалев Ер атрофи орбитасида 45 кундан бери ишлашмоқда. Тадқиқотчи врач Валерий Поляков космик вахтасининг 134-куни ниҳоясига етди.

Астрофизик тадқиқотлар программасига биноан экипаж спектрнинг ультрабинафша қисмидаги фазо объектларини ўрганиш юзасидан экспериментларни давом эттирмоқда. «Глазар» телескопи ёрдамида ўтказилаётган бу экспериментлардан мақсад галактикаларнинг қисқа тўлқинли нурланиши тўғрисида маълумотлар олишдан иборатдир. Жумладан, бугун космонавтлар Орион юлдузлар туркумининг айрим участкаларини суратга оладилар.

Экипаж кеча «Рожен» аппаратини текшириб, приборлар ва механизмларни созлаганидан сўнг турли астрофизик объектларни ўрганиш методларини янада пишиқлаштириш мақсадида бир қатор экспериментларни бажарди.

«Мир» орбитал комплексидан рентген нурланиши манбалари ҳақидаги ахборотлар келиб турибди. 9 январдан бери «Квант» модулли телескоп ёрдамида елканлар ва Магеллан кичик булути юлдузлар туркумидаги рентген пульсарлари бир неча бор кузатилди.

Космонавтлар ўзларини яхши ҳис этишмоқда. Учувчи бошқарадиган «Мир» илмий-тадқиқот комплексининг парвози нормал ўтмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида
ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1989 йил 10 январь куни КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди.

Пленум қуйидаги масалаларни кўриб чиқди:

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисида.

2. КПСС Марказий Комитетининг «Партияга, совет халқига» Мурожаатномаси тўғрисида.

3. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш тўғрисида.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ана шу масалалар юзасидан доклад қилди.

Пленумда КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари Г. И. Усмонов, Украина Компартияси Киев область комитетининг биринчи секретари Г. И. Ревенко, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, «Советский Союз» журналининг бош редактори, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Н. М. Грибачев, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари В. В. Карпов нутқ сўзладилар.

Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатди. Улар рўйхатга олиш учун КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг «Партияга, совет халқига» Мурожаатномасини қабул қилди, мазкур Мурожаатнома матбуотда эълон қилинади.

Пленум «КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди, ушбу қарор матбуотда эълон қилинмоқда.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини якунлади.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори

1989 йил 10 январь

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш тўғрисида

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1989 йил 15—16 март кунлари Москва шаҳрида чақирилсин.

2. СССР халқ депутатларини сайлаш кампайтида овоз бериш КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, шунингдек, КПСС Марказий органлари составига кирмаган иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг иккинчи секретарлари, иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумларининг Раислари ва Министрлар Советларининг Раислари, министрлар ҳамда марказий идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, ҳарбий округларнинг қўмондонлари иштирокида ўтказилсин.

3. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига Марказий Комитет Пленумида овоз берувчиларнинг рўйхатини КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясига Қонунда белгиланган тартибда тақдим этиш топширилсин.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари
М. С. ГОРБАЧЕВнинг
КПСС Марказий Комитети Пленумида 1989 йил 10 январда қилган доклади

Ўртоқлар!

Бугун биз партиямиз тарихида ўхшаши бўлмаган Пленум ўтказяпмиз. Пленумнинг кун тартиби мамлакатда кенг авж олиб кетган қайта қуриш жараёнларидан, совет жамиятини демократиялашдан, биз амалга оширишга яқиндан киришган сиёсий система ислоҳотидан бевосита келиб чиқади.

Сиёсий ислоҳотнинг биринчи босқичи давомида давлат ҳокимиятининг олий органларини қайта қуриш кўзда тутилади, шу босқичнинг мақсадларига мувофиқ мамлакатда СССР халқ депутатлари сайловига бағишланган сайлов кампанияси бошланиб кетди. Биз партиянинг сайловга аталган сиёсий платформасини таърифлаб беришимиз лозим. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига мурожаатномаси пойҳаси сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилган.

Янги сайлов Қонунига биноан Пленумимиз партиядан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиши ва уларни рўйхатга олиш учун КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясига тақдим этиши лозим. Буларнинг ҳаммаси жуда муҳим масалалар эканини кўриб турибсизлар. Бу масалалар мамлакатни идора қилувчи партия бўлмиш КПСС учунгина эмас, шу билан бирга жамият сиёсий системасининг ҳамма бўғинлари учун ҳам катта аҳамиятга эгадир.

I.

Бу Пленумда ҳозирги сайлов кампаниясининг хусусиятларини батафсил далиллашга эҳтиёж йўқ, деб ўйлаймиз. Бундай далиллар қайта қуриш йўлларида мамлакат бошидан кечираётган Совет давлати тарихидаги масъулиятли, бурилиш босқичидан бевосита келиб чиқади. Айни қайта қуриш жамиятдаги ҳозирги муҳитни — тобора кўпроқ демократиялаш, ошкоралик, меҳнаткашларнинг сиёсий активлигини кучайтириш муҳитини вужудга келтирди. Бу — биринчиси.

Иккинчиси, қайта қуришнинг ўзи ривожланишнинг янги палласига ўтди. Аввалги босқичларда қайта қуриш назарияси ва сиёсати таърифлаб берилган, жуда муҳим қарорлар қабул қилинган эди. Энди олдимизда қайта қуриш йўлини амалда рўёбга чиқариш вазифалари рўй-рост кўндаланг бўлиб қолди. Бу — ўтган йилдаги ишимизнинг хусусияти бўлиб, у ҳозирги 1989 йил учун янада кўпроқ даражада хос бўлади. Хуллас, қайта қуришнинг ҳозирги босқичи партияни ва Советларни, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларини, бутун жамиятимизни масъулиятнинг янги поғонасига олиб чиқмоқда, эндиликда бунёдкорлик фаолиятининг реал самаралари баҳо беришнинг асосий мезони бўлиб қолмоқда. Ҳозирги пайтнинг асосий ғояси мана шундан иборат, деса бўлади.

Айтилган бу гаплар, ўтган йилларда биз амалий ишлар билан шуғулланмадик, деган маънони асло билдирмайди, албатта. Худди шунингдек, келгусида бизнинг назарий ишланмаларга, энг мақбул сиёсий қарорларни, ишнинг янги форма ва методларини излашга бўлган қизиқишимиз сўниб боради, деган хулоса ҳам ўринсиздир. Йўқ, бундай эмас, албатта. Ҳозирги пайтнинг бениҳоя зарурлигини таъкидлашни — оғирлик марказини ишлаб чиқилган сиёсат ва қабул этилган қарорларни рўёбга чиқариш соҳасидаги амалий ишга қатъиян кўчириш лозимлигини айтиб ўтишни истайман, холос.

Ўртоқлар! Ҳозирги босқичда жамиятнинг сиёсий авангарди бўлмиш партиянинг роли ўсиб ва кучайиб бориши лозим, деган гапимизни қандайдир мавҳум даъват деб қабул этмаслик керак. Буни гапираётганимнинг сабаби шуки, кўпинча, у ёки бу назарий қоидани ҳамма ўйламай-нетмай тақрорлайверади, аммо ундан сиёсат, конкрет турмуш учун қандай хулоса келиб чиқиши ҳақида унчалик ўйлаб кўрилмайди.

Қайта қуриш шароитида КПССнинг жамият сиёсий авангарди тарзидаги роли ҳақида озмунча сўз айтилмади. Бироқ амалда бунинг маъноси нималигини ҳамма ҳам охиригача англаб етгани йўқ. Шу сабабли биз давом этаётган жараёнларни идрок қилишда орқада қолямиз. Биз қайта қуриш муаммоларининг тўғри ечимларини ҳамиша ҳам топаётганимиз йўқ. Натижада оигда кўпинча саросималик вужудга келиб, амалий ишларда нуқсонларга сабаб бўлмоқда.

Кескин революцион бурилишларда партиянинг жамиятни ташкил этувчи, бирлаштирувчи куч тарзидаги роли айниқса катта бўлиши маълум. Ўзининг уюшқоқлиги, жипслашганлиги билан, назарий тафаккури равшанлиги ва амалий ҳаракатлари аниқлиги билан кучли бўлган партиянинг роли эса айниқса буюкдир.

Биз ҳозирги сайлов кампанияси каби катта сиёсий воқеа арафасида турган бир пайтда бу ҳақда гапириш ўринлидир. Чунки гап депутатлар корпусини янги принциплар асосида тузиш ҳақида бормоқда. Қайта қуриш вазифаларини амалда рўёбга чиқаришнинг ҳамма энг муҳим масалаларини ҳал этиши лозим бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви янги органларини тузиш депутатлар корпусининг зиммасига тушади.

Бу масаланинг ҳаммаси халқ манфаатлари билан, мамлакат ва социализм тақдири билан ғоят чамбарчас боғланган. Гап мана шулар ҳақида бормоқда, ўртоқлар. Биз партиянинг мазкур сайлов кампаниясидаги вазифалари ҳақида ўйлар эканмиз, ишга мана шундай юксак ва талабчан позициялардан туриб ёндашмоғимиз керак. Айни ўзимизнинг юксак масъулиятимизни тушунганимиз туфайли СССР халқ депутатлари сайлови муносабати билан КПСС Марказий Комитети номидан коммунистларга, мамлакатнинг барча меҳнаткашларига мурожаат қилиш зарур, деган хулосага келдик.

КПСС Марказий Комитети КПСС мамлакатни идора қилувчи партия бўлганлиги ва шу сабабли социализмнинг тақдири, мамлакатнинг тақдири учун совет жамияти олдида тўла-тўкис масъул эканлигига асосланиб, совет халқига мурожаат қилмоқда. Партия яқин келажакда ўртага қўяётган мақсадлар ва вазифаларни, у сайловга қандай режалар билан бораётганини совет кишилари билишга ҳақлидирлар.

Биз Марказий Комитетнинг Пленумида биринчи марта партияга, совет халқига мурожаатнома қабул этяпмиз. Бу — бўлғуси сайловнинг мамлакат тақдири учун аҳамияти эўрлигидангина ва боя гапириб ўтганимдек, ҳозирги сиёсий пайтнинг алоҳида муҳимлигидангина келиб чиққани йўқ. Бу ҳозирги босқичда партиянинг янги ролини тушуниб етишдан, унинг жамият сиёсий авангарди сифатида бажарадиган вазифаларининг аҳамияти ортишидан келиб чиқади.

Ҳозирги вазиятда биз бошқа жамоат ташкилотлари сайловга ўзларининг сайловолди ҳужжатлари билан боришларига асосланишимиз керак. Депутатликка айрим номзодлар ҳам мамлакат олдида турган вазифаларни ўзлари қандай тасаввур этаётганликларини баён қилиб, сўзга чиқишлари мумкин.

Юз бераётган вазиятда КПССнинг умумхалқ манфаатларини ифодалайдиган, жамиятнинг турли қатламлари фикр-мулоҳазаларининг барча хилма-хиллигини ҳамда талаб-эҳтиёжларини бирлаштира оладиган, уларга қайта қуришнинг ҳозирги босқичи конкрет вазифалари ўзанида собитқадам тус бера оладиган сиёсий платформасига зарурат ҳар қачонгидан ҳам кучаймоқда. Халқимиз — ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар — мана шу тарихий дақиқада партиядан унинг сўзларини кутмоқдалар. Биз ижтимоий турмуш диалектикасини яхши англаб етишимиз, КПСС Марказий Комитетининг сайловолди мурожаатномасининг аҳамиятини тўғри баҳолашимиз лозим.

Жамиятга ўз сайловолди сиёсий платформамизни баён қилиб берар эканмиз, бу ишни бевосита ва ҳалол қилмоқдамиз, жамиятнинг ҳамма томонидан тан олинган авангарди сифатида иш тутмоқдамиз. Партия олдинги йилларда йўл қўйилган жиддий хатолар, нуқсонлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олиб, катта матонат кўрсатди. Шу билан бирга партия ленинча принципларга таяниб, халқ манфаатларидан келиб чиқиб, социализмни янгилашнинг новаторона программасини, биз «қайта қуриш» деб атаган программани таклиф қилди.

Халқ партиянинг бу сиёсий мардлигига тегишлича баҳо берди, деб айтсак муболаға қилмаган бўламиз, деб ўйлайман. Айни қайта қуриш давомида жамиятда партиянинг йўлига ишонч ва уни қўллаб-қувватлаш ортиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Лекин, табиийки, ишонч кредити абадул-абадга бериб қўйилмайди. Партия ҳар сафар, социалистик қурилишнинг ҳар бир босқичида бу ишончни ўзининг амалий ва назарий фаолияти билан исботлаши лозим. Ҳозир масала айни шундай тарзда қўйилмоқда.

Халқнинг партияга ишончини мустаҳкамлаш учун фақат битта йўл бор деб ўйлайман, бу — қайта қуриш жараёнларини авж олдириш ва чуқурлаштириш, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилиш йўлидир. Марказий Комитетнинг халққа сайловолди мурожаатномасининг асосий мазмуни, асосий сабаби мана шундадир.

Партия қайта қуриш жараёнларининг бутун манзарасини кўра биляпти, бу жараёнинг кучли ва оҳиз томонларини идрок этиши, ҳаётнинг ўзидан келиб чиқадиган у ёки бу ўзгартишларни ўз вақтида киритиши, шу йўл билан жамият барча соғлом кучларининг қайта қуриш платформасида жипслашишига эришиши, бунинг учун сиёсий, мафкуравий ва ташкилий таъсир ўтказиш воситаларининг улкан арсеналидан фойдаланиши лозим.

Тўпланган тажрибанинг кўрсатишича, бу соҳада бизнинг янгиланиш жараёнларига тўсқинлик қилаётган консерватизм кўринишларига, ташкил этиш ва бошқаришнинг илғор формаларини ишлаб чиқаришга ҳамда ҳаётнинг бошқа соҳаларига жорий этишни сунъий равишда кечиктириш билан тўқнаш келишимизга тўғри келмоқда.

Яна бир хавф бор. Баъзи ўртоқларнинг сўлларга хос ошириб юборишлар, босқичлардан сакраб ўтишга интилиш, реал имкониятларни ҳисобга олмай мақсадлар ва вазифаларни ўртага қўйишдан қутулишлари жуда қийин бўлаётганлигини кўриб турибмиз.

Баъзан у ёки бу қийинчиликларни, одамларнинг экономикада, социал соҳада ишларнинг тезроқ ўнглаб олинишига эришишга табиий истагини пеш қилишга дуч келмоқдамиз. Ҳатто ана шуларни пеш қилиб, ўзлари учун обрў орттиришга уринаётган одамлар ҳам пайдо бўлиб қолди.

Буларнинг ҳаммасини фақат кўрибгина қолмай, шу билан бирга жиддий сиёсий таҳлил этиш, зарур баҳо бериш, қийинчиликларни тушунтириш ва уларни бартараф этиш, бошланган қайта қуриш йўлидан қадам-бақадам қатъий олға бориш муҳимдир.

Эътибор берган бўлсангиз керак, мурожаатноманинг лойиҳасида эришилган натижаларга, қайта қуриш мураккабликларига реалистик позициядан туриб баҳо берилади ҳамда мамлакатнинг янги олий ҳокимият органлари ваколати даври учун ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги вазифалар баён қилиб берилади. Тақдим этилган мурожаатнома лойиҳаси умуман шундай ҳужжатки, у биз учун керак ва уни совет халқига етказишимиз мумкин.

Марказий Комитетнинг Пленумида биз қайта қуришнинг ҳозирги босқичи вазифаларига мос келадиган ҳужжатни қабул қилишимиз учун, ўртоқлар, сизларни тақдим этилган лойиҳани эътибор билан кўриб чиқиш ва муҳокама қилишга таклиф этаман.

Шу билан бирга равшанки, муҳим сиёсий ҳужжат бўлган мурожаатнома барча партия, ташкилотлари унинг мазмунини қанчалик батафсил тушунтириб берсалар ва пропаганда қилсалар, ундаги асосий ғояларга таянсалар, мурожаатнома шу қадар катта роль ўйнайди. Шу боисдан мурожаатномани ташкилий ва идеология тадбирлари билан мустаҳкамлаш зарур.

Коммунистик партия учун унинг сайловолди программасини бутун халқ, барча меҳнаткашлар қўллаб-қувватлаши муҳимгина эмас, СССР халқ депутатлигига номзодларни кўрсатиш чоғида партия барча жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари билан баҳамжиҳат фаол ҳаракат қилишдан, аввалгидек партиясиз омма билан ягона иттифоқ бўлиб иш тутишдан ғоят манфаатдордир.

Ҳозир, сайлов кампанияси депутатликка номзодлар кўрсатиш босқичига қадам қўйган пайтда халқ ташаббуси, ижтимоий фаоллик тўлқини ҳамма жойда ҳам коммунистлар, ҳам партиясизлар орасидан энг аввало қайта қуришнинг фаол курашчиларини бўлажак халқ вакиллари қаторига қўймоқда, деб мамнуният билан қайд эта оламиз. Бу жуда муҳимдир. Уларнинг орасида коммунистлар ва партиясизлар, ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, зиёлиларнинг, ветеранларнинг, ёшларнинг, хотин-қизларнинг вакиллари бор. Бу эса энг муносиб кишиларни танлаб олиш учун имконият яратади.

Ҳозирги сайлов кампаниясининг кенг ошкоралик, халқпарварлик, одамларнинг ташаббускорлиги каби хусусиятларини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу ғоят муҳим сиёсий кампания қайта қуриш жараёнлари ўзанида боришидан бутун жамият манфаатдордир. Аммо ошкоралик, рўй-ростлик, гражданлар ташаббускорлиги ўсганлигини қайд этиш билан бирга биз сайловолди кампаниясига ўз-ўзидан юз берадиган қандайдир жараён деб эмас, балки энг муҳим оммавий кампания деб, бу кампаниянинг муваффақияти юксак уюшқоқлик ва масъулият билангина таъминланиши мумкин, деб ёндашмоғимиз лозим.

Ҳозирги сайлов кампаниясига хос бўлган шароитда биз учун мутлақо янги ҳодисаларга дуч келишимиз мумкин, бу ҳодисалар фақат ижобий тусдагина эмас. Ўз депутатларининг давлат ҳокимияти янги олий органлари ишига муносиб ҳисса қўшишига қодир бўлган қайта қуришнинг чинакам фаол, қизғин тарафдорлари бўлишини истаётган сайловчиларнинг манфаатдорлиги билан бир қаторда бир қанча салбий жиҳатларга ҳам дуч келишимиз мумкин. Бу хусусда фактлар ҳам мавжуд. Гап гуруҳларнинг шахсиятпарастлиги, жиззакилиги, сиёсий мансабпарастлик кўринишлари ҳақида бормоқда. Миллатлараро муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммолардан фойдаланиб қолишни ҳам истисно қилиб бўлмайди.

Мана шу масалаларнинг ҳаммаси юзасидан партия ташкилотлари аниқ, принципиал позицияда туришлари лозим. Чинакам илғор кишиларни қўллаб-қувватлаш, номзодларга холисона баҳо бериш учун шароитни таъминлаш зарур. Сайлов кампанияси натижасида совет ҳокимиятининг олий органларида жамиятимиз барча қатламларининг, барча миллатлар ва элатларнинг вакиллари бўлишига эришиш керак, албатта. Бу принципиал жиҳатдан муҳимдир.

Партия янги сайлов Қонунининг демократик мазмунидан келиб чиқиб, ана шундай ҳалол позицияда туриб, сайлов кампаниясида иштирок этади.

Хуллас ҳозирги сайлов кўпгина янги, қизиқарли масалаларни, мислсиз талабларни ва вазифаларни ўртага қўяди. Уларни амалга ошириш учун келажакда қачонлардир эмас, балки ҳозирнинг ўзидаёқ жиддий идеология ишларини олиб бориш зарур. Бу ишни ҳамма жойда, кенг жабҳа бўйлаб авж олдириш керак. Матбуот, радио ва телевидение сайлов кампаниясига фаол қўшилиб, унинг барча жиҳатларини ва жараёнларини ўз вақтида ёритиши, сайловнинг сиёсий ислоҳотимиз мақсадларидан келиб чиқадиган принциплари асосида муваффақиятли ўтишига кўмаклашиши лозим.

Ҳозирги сиёсий даврнинг баъзи муҳим ҳусусиятлари ана шундай.

II.

Ўртоқлар! Пленумда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш масаласини муҳокама қилишга тўғри келади.

Маълумки, КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссияси ўтган йилнинг 9 декабрида матбуот орқали партия ташкилотларига, КПСС аъзолари ва аъзолигига кандидатларга мурожаат қилиб, партиядан депутатликка номзодлар хусусида таклифлар киритишни сўраган эди.

Комиссия бу таклифларни КПСС Марказий Комитетига тақдим этиш тартибини белгилаб берди. Жойларда ишлаётган коммунистларга оид таклифларни бошланғич партия ташкилотларида, сўнгра — юқори партия органларида, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларида ҳам кўриб чиқишга қарор қилинди.

Комиссия таниқли сиёсат, давлат ва жамоат арбоблари, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, фан ва маданиятнинг бошқа республикалар, ўлкалар ва областлар территорияларида ишлаётган ёки яшаётган атоқли вакиллари номзодларига доир таклифлар бевосита КПСС Марказий Комитетига юборилиши мумкинлигини ҳам белгилаб берди.

Шундай қилиб, таклифларнинг икки оқими вужудга келди, улар ҳар бир коммунистга депутатликка номзодлар кўрсатишда иштирок этиш имкониятини берди. Бу эса номзодларни танлаб олиш учун қулай шароит яратди ва ўзини оқлади.

Қуйидаги маълумотлар бўлиб ўтган муҳокамаларнинг демократик тусидан далолат беради. Жойларда ишлаётган коммунистлар орасидан депутатликка номзодлар кўрсатишда 105 мингтадан кўпроқ бошланғич партия ташкилоти қатнашди. Улар юқори органларнинг кўриб чиқиши учун 31,5 минг номзодни таклиф этдилар. Кейинчалик шаҳар, район партия комитетлари кўриб чиқиш чоғида улар уч ярим минг номзодни қўллаб-қувватладилар. Шундан кейин номзодлар область, ўлка партия комитетларида, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларида муҳокама қилинди. Бу ерда турли формалардан — партия комитетлари пленумлари, партия активлари йиғилишлари, бюронинг кенгайтирилган мажлислари формаларидан фойдаланилди. Пировард натижада партия комитетлари КПСС Марказий Комитетига 207 номзодни тақдим этдилар. Бу ўртоқларнинг рўйхати қўлингизда бор.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти бош сиёсий бошқармасида батафсил муҳокама қилингандан сўнг ҳарбий қисмлар ва сиёсий органларнинг партия ташкилотларидан КПСС Марказий Комитетига 5 номзод тақдим этилди. Бу ўртоқлар ҳам қўлингиздаги рўйхатга киритилган.

Энди КПСС Марказий Комитетига бевосита партия ташкилотларидан, меҳнат коллективларидан ва айрим шахслардан тушган таклифлар тўғрисида. Бунда ҳаммаси бўлиб, салкам 12 минг телеграмма, хат, йиғилиш қарорларидан кўчирма олинди. Бу таклифларнинг кўп қисми Сиёсий бюро аъзоларига, Сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар ва КПСС Марказий Комитетининг секретарларига таалluқлидир. Шу йўл билан жами 382 номзод таклиф қилинди. Уларнинг тахминан ярми партия ташкилотларида кўриб чиқилган

(Давоми учинчи бетда)

ҚАЙТА ҚУРИШДА ПЕШҚАДАМ БЎЛАЙЛИК

КПСС Москва шаҳар комитетида учрашув

9 январь куни Москва шаҳар комитетида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев Москва шаҳар партия ташкилотининг активлари — КПСС Москва шаҳар комитети бюросининг аъзолари, район партия комитетларининг биринчи секретарлари, халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг раҳбарлари билан учрашди.

М. С. Горбачев учрашувни очиб бундай деди:

Менинг сизлар билан кўпдан бери учрашиш истагим бор эди, ўртоқлар. Сизлар ҳам шундай истак билдирганингизни биламан. Учрашиш учун яхши вақт танлаб олинди. Район ҳисобот-сайлов партия конференциялари бўлиб ўтди, яқин орада шаҳар партия конференцияси бўлади. Мана шу кенг кўламли, масъулиятли кампания чоғида пойтахт коммунистлари бир миллиондан ортиқ отряднинг овози қудратли янгради.

Пойтахт партия ташкилотининг роли, мавқеи, аҳамиятини эътиборга олганда биз учун шу кампаниядан чиқариш лозим бўлган якунлар, сабоқлар жуда муҳимдир, зеро партия ҳозирданоқ ўзининг навбатдаги съездига тайёргарлик кўриш йўлини тута бошлади. Биз жамиятимиз тараққиётининг жуда масъулиятли босқичида яшаб турибмиз. Шу сабабли пойтахт коммунистлари ўзларининг район конференцияларига қандай режа ва таклифлар билан келганликлари биз учун жуда муҳим. Бунинг умумпартиявий аҳамияти бор.

Сизлардан партия Марказий Комитетига нималарни маълум қилишни лозим топганингизни эшитиш муҳимдир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Л. Н. Зайков** Москва шаҳар партия ташкилотининг иши ҳақида ахборот берди.

Бугунги учрашув биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир, деди у. Бу учрашув шаҳар ҳисобот-сайлов партия конференцияси арафасида ўтмоқда. Қайта қуришнинг мусаффо этувчи ғоялари турмушда қарор топаётган мураккаб бир давр қандай кечаётганлиги идрок этилмоқда, қайта қуриш зарурлиги хусусида ҳеч кимда шубҳа-гумон йўқ. Эришилган натижаларга талабчанлик билан баҳо берилмоқда.

Пойтахт коммунистлари демократия ва ошкораликни кенгайтириш шароитида янгиланиш жараёнига сиёсий раҳбарлик қилиш усулларини қандай қилиб эгаллаб олиш устида ишламоқдалар. Бу — осон иш эмас. Шаҳар партия комитетининг бир неча кун муқаддам бўлиб ўтган пленумида бўлгуси ҳисобот муҳокама қилинган пайтда аппаратни қайта қуриш, вазифаларни аниқлаб белгилаб олиш шароитида ишни қандай қилиб яхшироқ уюштириш, одат бўлиб қолган буйруқбозлик-маъмурий т ч илик усулларини бартараф этиш ва айни вақтда социал-иқтисодий тараққиётга партиявий таъсирни бўшаштирмаслик ҳақида манфаатдорлик билан ўткир, принципиал суҳбат бўлди.

Партия ташкилотларидаги ҳисобот ва сайлов қайта қуриш одамларнинг ташаббусини жўш урдирганини янги куч билан кўрсатди.

Илгари ҳеч қачон биз барча соҳаларда бурилиш ясаш, олга интилиш, иш натижаларини кўпайтириш хусусида шу қадар кўп амалий таклифлар, мулоҳазалар олмаган эдик, деса бўлади. Жамиятнинг ҳамма қатламлари, коммунистлар ва партиясизлар мана шундай активлашганлиги ҳам жуда муҳимдир. Фикрларнинг рўй-ростлиги, принципиаллиги, хилма-хиллиги бизни қувонтиради.

Ишонч мандатини олган, сайлов синовидан ўтган ҳамма кишилар шу нуқтаи назарга қўшиладилар, деб ўйлайман. Сайлов эса кўп ҳолларда мураккаб бўлди, чунки альтернатив асосда ўтказилди.

Ҳаракатларимиз стратегияси равшан. Бу стратегия оммага таниншдан, халқ билан доимо маслаҳатлашиб туришдан, жамоатчилик фикрини эътиборга олиб сиёсий қарорлар ишлаб чиқишдан иборат. Сиёсий ва иқтисодий ислоҳот, революцион қайта қуриш ҳозир кўпгина мураккаб, баъзан зиддиятли масалаларни юзага чиқармоқда. Михаил Сергеевич, шаҳар партия конференцияси арафасида биз шу масалаларни сиз билан муҳокама қилиш, маслаҳатлашиш имкониятини олганлигимиз биз учун жуда муҳимдир.

Умуман бизнинг конференцияга маълум қилишга арзигулик ишларимиз бор. Экономика соҳасида: саноат ишлаб чиқаришини ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари барқарор бўлиб, беш йиллик топшириқларидан ошиб бормоқда. Хўжалик ҳисоби муносабатлари мустаҳкамланмоқда. Шартнома интизоми яхшиланди. Экономика социал соҳа томон бурилмоқда. Бугун «Квант» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига борган вақтимизда ҳам москваликлар буни ҳис этаётганликларини сездик.

Уй-жой қурилиши суръатлари ошди, социал-маданий-маиший объектларни ишга тушириш планлари ошириб бажарилди. Ижтимоий-сиёсий иқлим ўзгармоқда. Меҳнат коллективларидаги вазият тобора демократиялашиб бормоқда.

Раҳбарлар сўз билан эмас, балки иш билан обрў қозонмоқдалар. Танқидни тўғри қабул этишни, ундан амалий хулосалар чиқаришни ўрганяпмиз. Хуллас, бизнинг гапимизни эшитишга мажбур этмай, ўзимиз халққа қулоқ солишга одатланяпмиз. Одамлар ўзларига эътибор берилаётганлигига жуда сезгир жавоб қайтараётганликларини айтмоқ керак.

Ҳисобот ва сайлов давомида партия ва ҳукуматнинг кўпгина раҳбарлари партия ташкилотларига, меҳнат коллективларига, бевосита иш жойларига бордилар.

Шаҳар ва мамлакатнинг ижтимоий турмушидаги янги жараёнлар партия ташкилотларининг иш услубини ҳам янгиламоқда. Аввало қуйи бўғинларга таяниб иш тутилмоқда, коммунистлар амалий ишга кенг жалб қилинмоқда, партия қарорлари коллектив бўлиб ишлаб чиқилмоқда.

Хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг икир-чикир ишларига аралашишдан воз кечяпмиз, меҳнат коллективлари кенгашларининг, касаба союзларининг ролини ошириляпмиз. Бу фақат дастлабки ижобий қадамлар эканини тушуняпмиз, албатта, иш ҳали тубдан яхшиланмаганини, келгусида катта иш қилиниши лозимлигини англаб турибмиз.

Иқтисодий ислоҳотни ўтказишда, кооператив ҳаракатини ривожлантиришда муайян англашилмовчиликлар бор. Аммо бу, таъбир жоиз бўлса, ўсиш нуқсонларидир, бу нуқсонларни бартараф этиш керак.

Шаҳар партия комитети аппаратининг структураси қайта қурилиши, вазифаларни аниқ белгилаб қўйишга маълум даражада механик тарзда ёндашилиши баъзан бошқарувнинг айрим тизинлари қўлдан чиқиб кетишига олиб бормоқда. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Москва Советининг ижроия комитети, унинг бўлимлари шаҳар халқ хўжалигини бошқариш бош схемасида кўзда тутилган янгича иш усулларини секинлик билан ўзлаштирмоқдалар. Улар ҳамон ўзаро келишиб олмай, сust ишламоқдалар, бюрократизмни таг-туби билан кўпориб ташлашда қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Савдо, транспорт ишидаги, кўчаларни саранжом сариштa сақлашдаги нуқсонлар, шаҳарнинг нормал турмушини таъминлайдиган юклар олиб келган вагонларнинг бекор туриб қолиши мана шундан келиб чиқмоқда. Бундай ҳоллар москваликларнинг ҳақли таъналарига сабаб бўлмоқда.

Пойтахт социал-иқтисодий тараққиётининг деярли барча асосий йўналишлари хусусида партия билан ҳукуматнинг принципиал қарорлари қабул этилган бир шароитда мана шундай камчиликларга асло тоқат қилиб бўлмайди. Партия билан ҳукумат соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат таъминоти, уй-жой ва социал-маданий қурилиш, метрополитенни жадал ривожлантириш ва бошқа соҳаларда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш учун зарур шарт-шароитни яратиб бердилар.

Партия Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети пойтахтни ривожлантиришнинг бошқа кўпгина зарур муаммоларини ҳал этишда ҳам конкрет ёрдам бермоқдалар, бунинг учун москваликлар улардан астойдил миннатдордирлар.

СУРАТДА: «Квант» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлган учрашув.

ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

Эндиги иш ўзимизга боғлиқ эканини шаҳар партия комитети яхши тушуниб турибди. Шу боисдан ҳам Москва шаҳри ва областини 2010 йилгача ривожланти ришнинг ягона бош планини ҳамда шаҳар халқ хўжалигини интенсивлашнинг «Прогресс-95» комплекс программасини ишлаб чиқиш қатъий партиявий назорат остига олинди, бу программада территориал ва тармоқ манфаатлари корхоналар, конкрет коллективлар, уларнинг кенгашлари орқали энг мақбул тарзда бирга қўшилади.

Бугунги учрашув Москва партия комитетлари ва совет органларининг ташкилотчилик, сиёсий ишларини яхшилаш учун янги омил бахш этиши шубҳасиз. Бу учрашув бўлғуси шаҳар партия конференциясидаги мунозарани ҳам чуқурроқ, амалийроқ ўтказиш, бизнинг XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини бажариш соҳасидаги ҳаракатларимизни яхшироқ мувофиқлаштириш, қайта қуриш тажрибасини тўплаб, партия XXVIII съездига тақдим этиш имконини беради.

Михаил Сергеевич, бугун бу ерда қайта қуришнинг амалий муаммолари билан кун сайин шуғулланадиган, одамлар билан бевосита ишлаб турган, коммунистларни, жамоатчиликни қизиқтирувчи ҳамма нарсаларни биладиган кишилар йиғилишган. Келинг, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитайлик.

Учрашувда сўзга чиққан КПСС Севастополь район комитетининг биринчи секретари **А. М. Брячихин**, КПСС Бауман район комитетининг биринчи секретари **А. Н. Николаев**, КПСС Перов район комитетининг биринчи секретари **В. П. Шанцев**, Москва шаҳар ижроия комитетининг раиси **В. Т. Сайкин**, Киев район ижроия комитетининг раиси **В. К. Трусов**, касаба союзлари Москва шаҳар Советининг раиси **В. П. Шчербаков**, Красногвардейский район ижроия комитетининг раиси **Н. В. Павлов** Москва партия, совет ва хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг фаолиятидаги қайта қуришнинг асосий йўналишлари ҳақида, туб иқтисодий ислоҳот, демократиялаш ва ошкораликни ривожлантириш жараёнлари қандай ўтаётгани тўғрисида гапирдилар. Улар раҳбарликнинг сиёсий усуллари қандай жорий этилаётганини, пойтахт халқ хўжалигини бошқариш структурасини қайта қуриш қандай ўтаётганини, келгусида қандай муаммоларни ҳал этиш зарурлигини таҳлил қилдилар. Нотиқлар жамиятдаги, мамлакат экономикасидаги, социал тараққиётдаги ижобий ўзгаришларни жадаллаштиришга қаратилган аниқ-равшан таклифларни айтдилар.

Пировардида **М. С. Горбачев** бундай деди:

Бугунги суҳбатнинг мазмундорлигини жуда қадрлайман. Бунинг маъноси шуки, қайта қуришнинг ҳамма жаҳаларида янги вазият ўзлаштириб олинмоқда. Иқтисодий ислоҳот хусусида кўпгина қизиқарли таклифлар айтилди. Бу масалалар район партия конференцияларининг диққат марказида турганлиги жуда яхши.

Одамлар сиёсий ислоҳотнинг турли жиҳатларини, Советларга, район бўғинига, шаҳар бўғинига тааллуқли ҳамма ишларни пухта ўйлашга астойдил киришганлар. Москва партия ташкилоти каби йирик ташкилотнинг конкрет шароитларида мана шундай идрок қилиш ишлари бораётганлиги айниқса муҳимдир.

Гарчи кўп гаплар мен учун янгилик бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда бу ердаги суҳбатда айтилган гапларнинг ҳаммаси жуда муҳим. Демак, КПСС Марказий Комитетига тушаётган маълумот шаҳар партия ташкилотида кечаётган жараёнларни тўғри акс эттиради. Биз КПСС Марказий Комитетида ишлардан хабардормиз. Шундай бўлиши биз учун жуда муҳим, чунки рўй бераётган реал жараёнлар ҳақида тўғри маълумот бўлмаса, сиёсатни ҳам, амалий фаолиятни ҳам йўлга қўйиб бўлмайди.

Биз асосий масалада — маълумот беришда кўзбўямачиликдан қатъиян халос бўлишимиз керак, ўртоқлар. Қурилиш тўғрисида, у ёки бу объектни ишга тушириш ҳақида, у ёки бу соҳа, тармоқнинг иши тўғрисида маълумот ва ахборот беришда кўзбўямачилик хавфлидир. Башарти, сиёсий ахборотда умуман реал жараёнлар акс эттирилмаса, ҳаётнинг ўзи берадиган объектив омиллар баён этилмаса, мана шундай бузишлар асосида катта янглишишларга йўл қўйиш мумкин. Чунки КПСС Марказий Комитетига, ҳукуматга тушадиган ахборот асосида сиёсий, иқтисодий баҳо берилади, шу баҳо асосида қарорлар қабул қилинади. Шунинг учун ҳам учрашувларимизда, мунозараларда, пленумларда ва Олий Советнинг сессияларида, асосий сиёсий муассасаларимизда ёлғон ахборот берилишига йўл қўйиб бўлмайди. Амалий турмуш кўрсатиб турган нарсалар ҳақида ишчанлик билан аниқ-равшан гаплашмоқ керак. Акс ҳолда биз янглишишимиз, хато қилишимиз мумкин, бу эса катта зиён етказади, сиёсатимизнинг, қайта қуришимизнинг обрўсини тўкади.

Янги йил арафасида халқни янги йил билан табриклаш керак бўлган пайтдаги кечинмаларимни сизларга айтиб бермоқчиман. Мен: шу пайтда, мана шу паллада менинг нутқим қандай бўлиши керак? — деб ўйладим. Чунки бу — мураккаб пайт. Мен имкони борича холис ва ҳақконий бўлишга ҳаракат қилганимни, эҳтимол, пайқаб олгандирсизлар. Ҳатто шу байрам пайтида, алоҳида пайтда, янги йилда шундай қилишга тўғри келди. Ҳамма иш аслида қандай эканини одамларга айтиш керак эди. Эҳтимол, бу ҳеч кимни қувонтирмас, аммо одамларимиз учун ҳақиқат — энг муҳимидир. Бундан ташқари, қийинчиликларни шунчаки қайд этиб қолмай, нималар қилишга муваффақ бўлганимизни, нималар бизга умид бахш этаётганини ҳам айтдим. Ҳар ҳолда биз кенг йўлга, тўғри йўлга чиқиб олдик. Шу йўлдан бораверишимиз керак. Энг муҳими — мана шу.

Биз бугун «Квант»га бордик, одамлар билан суҳбатлашдик. Мен: мамлакатда рўй бераётган воқеаларга ишчилар қандай қараяптилар? Уларнинг фикри қандай? — деб сўрадим. Бир ишчи бундай деди: Биласизми, Михаил Сергеевич, ишчилар синфи ҳозир қийин вақт эканини, аммо бизга бунга дош беришимиз лозимлигини, ҳамма ишни қилишимиз кераклигини билади, чунки қийинчиликларни бартараф этиш орқалигина ҳамма соҳалардаги ишни яхшилашга эришамиз.

Ҳа, ишчилар тушуниб туришибди, уларда тайёрга айёрлик кайфияти йўқ, улар ҳозир ҳар бир киши имкони бўлган ҳамма ишни қилиши кераклигини тушунадилар. Биз ҳақиқий жараёнларни кўришимиз, ҳеч қачон исталган нарсани ҳақиқат қилиб кўрсатмаслигимиз лозим.

Бу ерда қайта қуришнинг турли жиҳатларига тааллуқли кўпгина конкрет масалалар пойтахтда, шаҳар партия ташкилотида, меҳнат коллективларида, халқ хўжалигида ва Советларда рўй бераётган жараёнлар билан боғлиқ кўтарилди. Халқ, умумдавлат характерига эга бўлган кўпгина мулоҳазалар айтилди. Шу суҳбат асосида тегишли топшириқларни берамиз.

Сиёсий бюрода 1988 йил нимани кўрсатганлиги хусусида жуда жиддий гаплашиб олдик. Бу йил алоҳида йил, катта сабоқлар йили, фикр-мулоҳазаларда, ҳаракатларда ёриб ўтиш йили, катта янгиликлар, ижтимоий онгда, ижтимоий практикада кутилмаган, янги тадбирлар йили бўлганини айтишим керак. Мана шуларнинг ҳаммаси вазиятни ўнглаб олиш учун партия, барча кадрларимиз ишида зўр куч-ғайрат сарфлашни талаб қилди.

Ҳамма сиёсий ва ижтимоий тартиб-қоидаларимиз биринчи бор чинакам синовдан ўтганини тўппа-тўғри айтмоқ керак. Мана шу жараён сақланиб қолади, бу йил ҳатто янада кучайтирилади. Шунга тайёр бўлиб туриш лозим.

Биз ҳақиқатан ҳам амалдаги қайта қуриш ҳақида гапиришимиз мумкинлигини 1988 йил кўрсатди. Мунозаралар, фикрлашувлар, мана шу фикрларнинг тўқнашувлари бўлди. Ана шуларнинг ҳаммаси зарур эди. Биз ўзимиз яшаб турган мамлакатни ҳам, ютуқларимизни, тўпланиб қолган муаммоларни ҳам тушуниб олишимиз ва ривожланиш режаларини чамалаб кўришга интилишимиз керак эди. Мана шулар туфайли биз ҳозир ўзимиз рўёбга чиқараётган қарорларга келдик, мана шундай сиёсатни ишлаб чиқдик. Иқтисодий ва сиёсий ислоҳот орқали, маънавий соҳани соғломлаштириш орқали, ошкоралик, демократиялаш орқали мана шуларга эришдик. Буларнинг ҳаммаси маъқуллаб кутиб олинди.

Ҳамма тадбирлар шу тариқа ҳаракатга келди. Хўжалик ҳисоби одамларга нисбатан ишга қандай муносабатда бўлиш, мутахассис, раҳбар қандай иш тутиши хусусида бутунлай янги талабларни қўйди. Авж олиб кетган демократия жараёни доирасида партия, совет органлари ҳам янги вазиятга дуч келдилар. Уларга бошқача иш услуби, бошқача иш методлари, кадрлар билан, меҳнаткашлар билан муносабатларнинг бошқача характери керак. Мана шуларнинг ҳаммаси унчалик осон иш бўлиб чиқмади, ўртоқлар. Ўткир жараёнлар — фикр-ўйларда, тафаккурда, ёндашувларда туб ўзгариш бошланди. 1988 йилда зўр бериб фикр юритилди, зўр бериб ишланди, ҳамма куч-ғайрат сарфлади, шунинг учун ҳам бу йил жуда муҳимдир. Барча соҳаларда қайта қуришни мафкуравий жиҳатдан таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозим бўлди. Бу нарса ҳозир бениҳоя муҳимдир, ўртоқлар, чунки биз гўё қайта қуриш, осмондан ёғадиган чалпак деган ёки эрталаб кимдир пишириб берадиган қуймоқ деган тушунча хато эканини англатишимиз керак эди.

Биз ҳамма нарсани ўз қўлимиз билан қилишимиз керак. Бошқача яшашни хоҳлайдиган бўлсак, бошқача ишлашимиз, фикрлашимиз, бошқача ҳаракат қилишимиз, муносабатларни бошқача қуришимиз, ҳамма нарсага қайта қуриш мезонларига мувофиқ баҳо беришимиз лозим. Қайта қуриш катта умидларни туғдирди. Шу умидлар бемалол рўёбга чиқадиган реал умидлар эканини одамлар билишлари керак. Аммо бунинг учун ҳокимият ва халқ хўжалигининг барча поғоналарига энг қобилиятли, энг истеъдодли кишилар бошчилик қилишлари лозим.

1988 йилдан чиқадиган хулоса мана шу. Ана шу муаммоларнинг ҳаммаси, ўтган йилги жамики янгиликлар 1989 йилда янада зўр куч билан ва янада аниқ-равшан намоён бўлади, шу сабабли шай бўлиб туриш, вазиятни қўлга олиш ва воқеалардан орқада қолмаслик учун ўтмиш сабоқларини назарда тутиш керак. Бу ишни партия ташкилотлари қилишлари лозим. Уларнинг пешқадамлик роли ана шунда намоён бўлиши керак.

Қайта қуриш жамиятимизга сингиб бораётганлиги, қайта қуриш олга бораётганлиги энг муҳимидир. Такрор айтаманки, жараён нақадар зиддиятли бўлмасин, турли соҳалардаги сафсатабозлик, экстремизм элементларига қарши ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, шундай бўлмоқда. Афсуски, бундай элементлар ҳали ҳам бор. Бироқ амалдаги қайта қуриш олга силжиган сайин бундай элементлар тобора камайиб бормоқда, ўртоқлар.

Ҳозир ишчилар назорати кенг тус олмоқда, ялпи ишчи назорати йўлга қўйилаверсин. Бизга ялпи уруш керак эмас, ялпи ишчи назорати эса бизга керакли нарсадир. Энди қайта қуриш умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди, уни ҳеч ким тўхтата олмайди. Порахўрликка муккасидан кетган, қандайдир жиноий алоқаларда бўлган киши ёки таназзулга учраган, авантюрист киши қайта қуришга қарши чиқиши мумкин. Аммо униси ҳам, буниси ҳам жамиятда қўллаб-қувватланмайди. Қайта қуриш кадрларимизнинг иш усулларига, бошқарув ва раҳбарликнинг барча соҳаларига жуда кучли таъсир ўтказаётганлиги — яхши. Демократияни ривожлантириш. Советларни демократиялаш орқали эса бу жараён кенг қамровли тус олади. Эҳтимол, кимдир ҳамма муаммоларни бир уринишда ҳал этиб қўймоқчидир, аммо бу жиддий ният эмас, биз ишни бундай олиб бора олмаймиз, бу йўлдан бора олмаймиз.

Пойтахт қайта қуриш жараёнларини авж олдиришда жуда катта роль ўйнаётгани туфайли шаҳар партия ташкилоти, бу ерда ишлаб турган кадрлар зиммасига катта масъулият юкланади. Мен шуни рўй-рост айтишим керак: ҳозир биз ҳаммамиз қизғин ишлаяпмиз, пойтахт коммунистлари эса янада зўр куч билан ишлашмоқда. Уларнинг зиммасида улкан, кенг кўламли вазифалар бўлиб, улар жуда катта интеллектуал, илмий, маданий потенциалга эгадирлар. Бу ерда саноат, шаҳар хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган барча ишлар жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатдаги бутун қайта қуришга таъсир ўтказмоқда. Бунда ҳеч қандай муболаға йўқ. Шаҳар партия ташкилоти ва пойтахт меҳнаткашлари фаолиятининг кўлами ана шундай.

Шунинг учун сизларга бир истак билдирмоқчиман: юксак вазифалар даражасида бўлинг, сизларга чекиниш тўғри келмайди. Сизлар кашшофлар вазифасини уддалашингиз керак.

Барибир қайта қуриш қандай бораётганлиги — конференцияни ўтказиш калитидир. Мен докладни яна бир бор пухта ўйлаб кўришни, партия комитетлари секретарлари эса шаҳар партия конференциясидаги мунозаралар даражаси пойтахт партия ташкилоти қайта қуриш учун масъулиятли бўлган миқёсларга мос бўлиши учун ўз ҳиссасини қўшишига тайёр туришни сўрадим. Масалалар янада кенг кўламда ўртага қўйилиши керак. Агар сизлар аввалги шаҳар партия конференциясини эсга олсангиз тўғри бўлади. Ўшанда анча шошма-шошарлик қилинган бўлса-да, кўпгина масалалар танқидий позицияларда туриб ўртага қўйилган эди. Принцип жиҳатидан танқидий йўналишга пойтахтда тўпланиб қолган реал жараёнлар ва қийинчиликлар сабаб бўлган эди. Сизлар барча соҳалар, айниқса меҳнаткашларга тааллуқли соҳалар фаолиятини яхшилаш учун Москвада нималар қилинганлиги тўғрисида гапиришингиз керак. Масалан, мана шундай азим шаҳарда шаҳар хўжалиги соҳаси ғоят катта аҳамиятга эгадир. Қизғин меҳнатдан кейин уйга етиб бориш, нимадир харид қилиш учун одамнинг қанча вақти кетади — бу, ўртоқлар, ғоят муҳимдир. Сизлар конференцияга бу вазифаларни қандай ҳал этаётганлигингиз, шаҳар партия ташкилоти фаолиятига қандай ўзгаришлар киритганлигингиз, демократиялаш, ошкоралик, одамга ғамхўр бўлишга ҳамоҳанг янги услубни қандай ўзлаштираётганлигингиз тўғрисидаги таҳлили тақдим этишингиз лозим.

Пойтахтда жиддий ва катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Сизлар бамайлихотир бўлмаслигингиз ва мағрурланиб кетмаслигингиз керак. Барча нарсаларга сергаклик билан танқидий муносабатда бўлиш, партия ташкилотлари кадрларининг активлигини ошириш зарур. Биз бундай тенденциялар авж олдирилаётганлигини сезиб турибмиз, бу эса бўлажак конференциянинг ўз олдида турган вазифаларни уддалашига имкон беради.

Бугун кўпгина масалалар ҳозирги босқичда партиянинг ролини идрок этиш мужмоларига тааллуқли бўлди.

Марказий Комитетнинг январь Пленуми ва кейнги Пленумлари, айниқса XIX партия конференцияси бизни партиянинг вазифалари, фаолияти ва ролини тўғри англашимизга имкон берганлигини бугунги кунда ҳаммамиз тушуниб турибмиз, деб ўйлайман. Партия жамиятнинг сиёсий авангарди сифатида ўз имкониятини кўп даражада рўёбга чиқариши керак. Назарий жиҳатдан ҳамма нарса равшандек. Советлар ишга киришишлари, хўжалик органлари, бошқарув органлари ўз ўрнини олишлари керак. Вазифаларни аниқ белгилаб қўйиш ҳисобига биз барча йўналишларда ишларни теранлаштира оламиз.

Биз назарий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам тўғри ечимлар қабул қила оладиган бўлдик, деб ўйлайман. Аммо амалий жиҳатдан бу нимани билдиради? Ҳаммасига ҳозир жавоб бериш қийин. Энг аввало бошланғич партия ташкилотларида партия турмуши барча жараёнларини активлаштиришни, унга жўшқин тус беришни биринчи ўринга қўйган бўлур эдим. Бошланғич партия ташкилоти, партия коллективлари ҳозир ўзларини бошқача ҳис этишлари, бошқача яшашлари даркор. Ҳисобот ва сайлов натижалари ғоят муҳимдир. Бу жараёнлар ҳозирдаёқ бошланди. Агар бошланғич партия ташкилотининг, коммунистларнинг роли ва мавқеи ўзгармас экан, партия ўзининг сиёсий авангардлик имкониятини рўёбга чиқара олмайди. Мен буни биринчи галдаги, асосий вазифа сифатида ўртага қўйган бўлур эдим.

Навбатдаги вазифа тўғрисида гапирадиган бўлсак, идеология ишлари, меҳнаткашлар билан алоқа, меҳнаткашлар турмуши тўғрисида ғамхўрлик қилиш, мамлакатда демократияни, демократик жараёнларни қўллаб-қувватлашга қаратилган иш услуби ва методлари ҳам ғоят муҳим, деб ўйлайман. Ҳозирча бунга қийинчилик билан эришяпмиз, ўртоқлар. Ҳар ҳолда, у ёки бу вазиятда эскича, аммо эндиликда ҳамиша ҳам тўғри келмайдиган методларни ишга соляпмиз. Кимлардир ошкораликка, тезкорлик ташкилотларга тўсқинлик қилиш учун буйруқ ва кўрсатмалар бераверишни жуда истайди.

Ўртоқлар, биз жараёнларни кеч англаб етаётган жойларда ютқазиб қўямиз. Шунда бу муаммоларни бошқа кучлар, турли хил ғаламислар, жамиятга қарши унсурлар рўкач қилиб оладилар. Аммо бизнинг методларимиз тўғри йўналтирилган бўлса, биз кечикмаймиз. Биз жамиятнинг соғлом кучларига таянамиз, улар қўшадиган ҳиссани қадрлаймиз, экстремизмдан, салбий ҳолатлардан бирмунча муваффақиятлироқ халос бўламиз.

Бу ерда номенклатура тўғрисидаги масала ҳам ўртага қўйилди. Бир нарса равшандир: партия демократия шароитида кадрлар сиёсатини амалга оширишда ишнинг янги методларини қидириб топиши керак. Сизларга шу нарсани айтаманки, хатолар тобора камайиб бормоқда. Бу кўп вақтни талаб қилади, аммо хатолар камаймоқда. Агар коллектив билан, активлар билан маслаҳатлашилмаса, хатолар учраб туради. Йиғилишлар, конференцияларга демократик асосда тайёргарлик кўрилса ва таклифлар ишлаб чиқилса ,унда, одатдагидек хатоларга йўл қўйилмайди. Одамлар реал раҳбарларни билишади, улар ким қандайлигини сиз билан биздан кўра яхшироқ, ҳар қандай анкетамиздан кўра яхшироқ билишади. Партия кадрлар сиёсатини демократик жараён доирасида ўтказиши, барча даражаларда янгича ёндашувларни қидириб топиши лозим.

Бугунги учрашув шаҳар партия ташкилотидаги жараёнлар фаол амалга ошириб, улар пойтахт турмушининг барча соҳаларини қамраб олаётганлигидан яна бир бор далолат беради. Бу яхшидир, чунки бизнинг пойтахтимиз битта ва биз бу ердаги партия, совет ва хўжалик ишлари улкан давлатимиз пойтахтининг юксак номига муносиб бўлишини истаймиз. Сизларга шаҳар партия конференциясини ўтказишда ва 1989 йилда катта муваффақиятлар тилайман. **(Қарсаклар).**

* * *

Шу куни М. С. Горбачев ва Л. Н. Зайков «Квант» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи билан учрашдилар. Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ўзила хўжалик мустақиллиги шароитида ишлаб бошлаб, принципиал жиҳатдан янги ташкилий структура — тармоқлараро давлат бирлашмасининг ўзагига айланди. Илгари турли министрликлар қарамоғида бўлган 14 та йирик корхона бирлашма составига кирди. Мазкур бирлашма амалда турли мақсадга мўлжалланган энергия манбаларини яратувчи ва ишлаб чиқарувчи йирик давлат концернига айланди. М. С. Горбачев ва Л. Н. Зайков кўздан кечирган виставка экспонатларида ўзининг ёркин ифодасини топган бу ноёб корхонанинг шиори — илм-фан ва ишлаб чиқариш бирлигидир. «Квант» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Ю. В. Скоков уларни маҳсулот намуналари ва янги ечимлар билан таништирди. Шундан кейин туб иқтисодий ислоҳот шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ғоят муҳим воситаси сифатида фан-техника тараққиёти муаммолари тўғрисида бирлашма ходимлари билан суҳбат бўлиб ўтди. «Квант» бирлашмаси меҳнаткашлари халқ хўжалиги самарадорлигини оширишга, қайта қуришнинг иқтисодий имкониятини мустаҳкамлашга энг кўп даражада ҳисса қўшишга интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Идораларо тўсиқларга қатъиян барҳам бериш имкониятини яратадиган бу илғор тажриба чуқур ўрганиш ва ёйишга лойиқ эканлиги таъкидланди.

(ТАСС)

М. С. ГОРБАЧЕВ докладининг давоми

(Давоми. Боши биринчи бетда).

таклифлар билан бир хил бўлиб чиқди. Ана шуни ҳисобга олганда номзодлар рўйхати қисқарди. Бу рўйхат ҳам сизларнинг қўлларингизда бор. Шундай қилиб, ўртоқлар, агар такрорлашни ҳисобдан чиқариб ташласак, 1- ва 2- рақамли рўйхатлардаги 312 кишидан танлаб олишимиз керак.

Сиёсий бюро тушган барча таклифларни кўриб чиқди ва сизнинг муҳокамангизга 100 номзод рўйхатини қўяди. Бу рўйхат ҳам сизларда бор.

Пленумга номзодлар рўйхатини тузиш чоғида Сиёсий бюро қандай мулоҳазаларга амал қилганлигини маълум қилмоқчиман. Биз биринчи навбатда партия ташкилотларининг тавсияларига таяндик. Жойлардан тақдим этилган номзодлар рўйхатини Сиёсий бюро сизнинг муҳокамангизга қўйган рўйхат билан таққослаб, бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Сиёсий бюро жойлардан тушган таклифларда ишчилар синфи ва деҳқонларнинг энг фаол, обрўли вакилларига устунлик берилганлигини ҳам ҳисобга олди. Биз буни принципиал муҳим ва тўғри, деб ҳисоблаймиз. Бундай ёндашув партия сафларининг реал составини акс эттиради, партия сафларида эса ишчилар ва деҳқонлар кўпчиликни ташкил этади.

Бунда ана шу кишилар кўп йиллар давомида ва айниқса қайта қуриш йилларида ўзларининг яхши фазилатларини кўрсатганликлари ҳисобга олинди. Улар СССР халқ депутатлари юксак бурчини бажариш учун зарур бўлган сиёсий, амалий гражданлик сифатларига эгадирлар.

Эътибор берган бўлсаларингиз керак, булар асосан фаол ва самарали меҳнат қилишга қодир бўлган, кучқувватга тўлган кишилардир. Муҳокама қилиш учун тавсия этилган ўртоқларга партия комитетлари кенгайтирилган характеристикалар тақдим этдилар. Агар бирор кишида савол туғилгудек бўлса, унга иттифоқдош республикалар Компартияси Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг шу ерда ҳозир бўлган биринчи секретарлари жавоб беришлари мумкин.

Тавсия этилганлар орасида кўпчилигимизга яхши таниш коммунистлар кўплигига эътиборингизни қаратмоқчиман. Улар бутун мамлакатга машҳур кишилардир. Бу фикримни исботлаш учун Кемерово областидан шахтёр В. М. Гвоздев, Тюмендан нефтчи В. Л. Сидорейко, Кубандан М. И. Клепиков, Украинадан Е. Н. Парубок каби кишиларнинг номларини келтиришим мумкин, В. Н. Голубевани, колхоз раиси, қишлоқда қайта қуришнинг актив курашчиси М. Г. Вагинни, Латвия ишчилар синфининг вакили К. И. Нокшани, пахтакор ва фаол жамоатчи Т. Б. Қирғизбоевани ҳам ҳамма яхши билади, деб ўйлайман. Рўйхатда фан, техника ва маданиятнинг машҳур вакиллари номини ҳам кўриш мумкин. Номзодлар рўйхатига барча иттифоқдош республикалардан ўртоқлар киритилган. Бизнингча бу ҳам принципиал аҳамиятга эга.

Пленумда КПССдан депутатликка номзодлар составига партия раҳбарияти аъзоларини кўрсатиш масаласини қандай ҳал қилишни ҳам муҳокама қилиш лозим. Мазкур масала юзасидан Сиёсий бюро ўз мулоҳазаларини билдиришни ва уларни Пленум муҳокамасига қўйишни истайди.

Сизларга маълумки, СССР Министрлар Совети Раисидан ташқари ҳукумат составига кирувчи ўртоқлар депутат бўла олмайдилар. Биз мана шунга асосланамиз.

Сиёсий бюро жойларда ишлаётган Сиёсий бюро аъзолари ва аъзолигига кандидатлар, шунингдек территориал округлардан номзоди кўрсатилган иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг секретарлари ана шу округлардан бирида овозга қўйишга розилик беришларини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Шуни ҳам айтиб ўтайки, партия ташкилотлари уларнинг кўпларини кўрсатилган номзодлар рўйхатига киритганлар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари, Марказий Комитет Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар ва КПСС Марказий Комитетининг секретарларига келганда эса, улардан янги Қонунга мувофиқ СССР халқ депутати қилиб сайланиши мумкин бўлганлари КПССдан депутатликка номзод қилиб кўрсатилишлари мумкин бўлур эди.

Марказий Комитет Пленумига маълум қилишни мен зарур деб ҳисоблаган мулоҳазалар мана шулардан иборат.

КПСС МАРКАЗИЙ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

10 январь куни КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда 1989 йилги иш плани муҳокама қилинди.

Сўзга чиққан кишилар бу йил комиссиянинг бутун фаолияти ҳамма жойда партия интизомини мустаҳкамлашга, уюшқоқлик ва талабчанликни оширишга, бюрократизм ва сансалорлик, хўжасизлик ва исрофгарчилик кўринишларига қарши курашни кучайтиришга, ошкораликни кенгайтиришга, партия ички турмушини демократиялашга йўналтирилишини таъкидладилар. Марказий Ревизия комиссияси ва жойлардаги Ревизия комиссиялари иши самарадорлигини ошириш, уларнинг партияда қайта қуриш жараёнини жадаллаштиришга таъсирини кучайтиришнинг энг муҳим шартларидан бири Марказий Ревизия комиссияси ҳар бир аъзосининг фаолиятини ва шу негизда бутун комиссия фаолиятини янада активлаштириш ва такомиллаштиришдан иборат.

Краснодар ўлкаси, Олмаота, Киев, Москва ҳамда Тула областлари ва Киев шаҳар партия ташкилотларида янгидан сайланган контрол ревизия комиссияларига ревизия ишларини йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор бериш кўзда тутилди.

Мажлисда партияда ревизия ишлари таъсирчанлигини оширишга қаратилган бир қанча мулоҳазалар ва таклифлар айтилди.

(ТАСС).

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

ЯЙЛОВ КЕЗГАНДА...

РЕПОРТАЖ

Форишда сўнгги кунларда ҳаммаёқни қалин қор қоплади. Устига устак қор ёғиши давом этмоқда. Тинимсиз қаттиқ изғирин шамол эсиб турибди. Ҳатто, район марказида ҳам электр энергияси бўлмай қолди. Оқибатда, «Чорвадор» газетаси ўз вақтида чиқмади.

— Кўриб турибсизлар, шароит ниҳоятда оғир, — дейди газета редактори Н. Худанов. — Аввалги бирор йилда бундай бўлганини эслай олмайман.

Йўқ, хотиржамликка ўрин йўқ! Форишликлар буни яхши тушунишади. Ахир, район хўжаликларида ҳозир 320 бош туя, 695 та чўчқа, 4566 бош йилқи, 5639 бош қорамол, 389 минг 162 бош қўй-эчки бор. Ҳаммасини қишловдан соғ-омон олиб чиқиш керак. Ялпи сафарбарликсиз бундай ўта мураккаб ва мушкул вазифани уддалаб бўлмайди. Район партия ва совет ташкилотларининг барча ходимлари, район марказидаги муассасаларнинг ишчи ва хизматчилари оёққа турган. Полвон механизмлар билан энг аввал Фориш — Жиззах йўли тозаланди. Кейин ферма ва отарларга олиб борадиган йўлларни қалин қордан тозалашга киришилди.

Шундай оғир дамларда чўпон-чўлиқлар аҳволидан огоҳ бўлиш — асосий вазифа. Бир оғиз илиқ сўз уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Район партия комитетининг иккинчи секретари Беркинбой Аввалбеков билан бирга «Фориш» совхози яйловлари томон йўлга чиқдик. Совхоз партия ташкилотининг секретари Шодибой Шокиров йўл кўрсатиб бормоқда. У хўжаликдаги ҳамма кишиларни ва шароитни яхши билади. Ҳамма ёқ оппоқ. Қор ўт-ўланларни кўмиб юборибди.

— Бундай шароитда қўй-қўзиларни яйратиб боқиб бўлмайди, — ташвишланиб сўз бошлади партком секретари. — Фермамизда ҳозир 51 минг 394 бош қўй-эчки бор. Етарли миқдорда дағал хашак жамғариб қўйганмиз. Лекин, қўлдан берганга қуш тўймас, деган гап ҳам бор.

Йўл юрсак ҳам мўл юриб, Тинчлик Номозов бош чўпон бўлган отарга етиб келдик. Тинчлик ака қўра ёнида экан. 700 бош совлиқ унинг қаровида. Рафиқаси Барчиной опа билан укаси Тошбойлар ҳам тиним билишмайди. Ҳа, чўпон меҳнати ниҳоятда оғир. Кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаши керак.

Тинчлик ака қўра олдидаги ёғоч тўсиқни очиб юборди. Қўйлар гурр этиб ташқарига чиқди.

— Қўй—ҳайдовда, от — боғловда семиради, — изоҳ берди бош чўпон.

— Қийналмаяпсизларми! — сўради Беркинбой Авваллбеков. — Таъминот қандай?

— Ҳозиргина автолавка келиб кетди. Ун, чой, совун сотиб олдик.

— Ўтган йил учун қанча мукофот олдинглар? — суҳбатга қўшилди партком секретари.

— Ҳозирча ўн минг сўм. Яна ҳисоб-китоб қилиб кўришармиш.

Бош чўпон бизлар билан хайрлашдию, қалин қор устида тўда бўлиб турган сурув томон шошилди.

...Ниҳоят совхозга қарашли даволаш пунктидамиз. Қўрада ва усти ёпиқ иссиқ жойларда касалга чалинган 653 бош қўй-қўзи парвариш қилинаётган экан.

— Шифохонами бу? — ҳазил аралаш сўрайлик совхоз бош зоотехниги Аҳмад Иботовдан.

— Ҳа, ака, жониворлар шифохонаси. Буларни отарлардан олиб келганмиз. Ажратиб парвариш қилинмаса, нобуд бўлиши мумкин.

Яна йўлдамиз. Совхознинг Мелибой Ярашев, Ражаббой Деҳқонов каби ўнлаб жонкуяр чорвадорлари билан учрашиб, уларнинг фидойи меҳнатларига тасаннолар айтдик.

Кечга бориб тағин Нурота тоғлари тарафдан қаттиқ шамол турди. Қор кўчкиси бошланди. Отарлар оралиғидаги ёлғиз оёқ «қўлбола» йўлларга ва асфальтланган марказий йўлга қор тўзонлари ёпириларди.

Фориш райони марказига етиб келгач, район агросаноат бирлашмаси раиси Асқар Қўзибоқаров билан суҳбатлашдик.

— Ҳа, шароит оғир, — сўз бошлади раис. — Лекин емишдан ташвишланадиган жойимиз йўқ. Икки йиллик план миқдорида дағал хашак жамғарганмиз. Ҳозир районимиз хўжаликларида 70 минг 800 тоннадан зиёд дағал хашак бор. Шундан 12 минг тоннаси майдаланган. Шу долзарб дамларда фермаларга кўплаб қўшимча ишчи кучи ва техника ажратдик. Райондаги ҳамма ташкилотлар чорвадорларимизга астойдил ёрдам бермоқда.

— Район ўтган йили гўшт, жун, сут, қўзи олиш планларини ортиғи билан бажарди, — сўзида давом этди А. Қўзибоқаров. — Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда чорвачиликнинг ўзидан уч миллион сўм атрофида соф даромад қилинган. Бу йил яна ҳам яхши натижаларга эришишни мўлжаллаб турибмиз. Қишлов —синов, дейдилар. Мақсадимиз уни кўнгилдагидек ўтказиш.

Ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, форишлик чорвадорлар!

У. ЮСУПОВ,
Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Ильич номли колхоз чорвадорлари йил бошиданоқ зарбдор суръатни таъминлашга ҳаракат қилишмоқда.

Бу ерда қишлов даврида ҳам молларнинг юқори маҳсулдорлигини таъминлаш учун етарли миқдорда ем-хашак жамғарилган. Озуқанинг ҳаммаси технология қоидалари асосида сифатли сақланаётир. Улар молларга фақат қайта ишланиб, аралаштирилиб тўйимлилиги ва ширалилиги оширилган ҳолда едирилмоқда. Шу сабабли бўрдоқилар тез эт олиб, говмишларнинг сути кўпайиб боряпти.

— Мўл-кўл сут соғиб олишимизга моллар озуқа рационининг кўнгилдагидек бўлиши билан бир қаторда чорвадорларнинг унумли ишлашлари ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун яратиб берилган қулай шароит ҳам катта ёрдам бермоқда, — дейди колхоз раиси Т. Алимов. — Фермада асосий иш жараёнлари механизациялаштирилган. Озуқа цехи мунтазам ишлаб турибди.

Хўжалик фермасида ишнинг тўғри ташкил этилганлиги дастлабки кунларданоқ ўз самарасини бераётир. Чорвадорлар кунига шаҳарликлар дастурхонига 1200 килограммдан зиёд серқаймоқ сут етказиб беришаётир. Илғор сут соғувчилардан Аҳида Муқимова, Адолат Муҳиддинова, Адолат Аббаровалар ўзаро мусобақада илғорлик қилишаётир. Улар бор маҳоратларини ишга солиб, ўзларига бириктирилган говмишларнинг ҳар биридан кунига 10-11 килограммдан сут соғиб олишмоқда.

Р. КАРИМОВ,
Тошкент райони.

КЕНГ ЁЙИШГА АРЗИГУЛИК

• Уй-жой қурилиши — муҳим социал вазифа

Бухоро областида уй-жой қурилиши соҳасида ташвишли вазият вужудга келди. 1988 йилнинг саккиз ойида 71 минг 890 квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилди, холос. Бу йиллик планнинг атиги 56 процентини ташкил қилади. 1987 йилнинг шу даврига нисбатан уй-жойларни фойдаланишга топшириш ҳажми кўпайиш ўрнига 7,1 процент камайди.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитетининг қурилаётган 2-корхоналар дирекцияси, «Узбекбурғаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва яна бир қатор йирик қурилиш ташкилотлари ярим йиллик уй-жой қуриш программасини ҳатто саккиз ойда ҳам уддалай олишмади. Умуман, область статистика бошқармаси тайёрлаб берган капитал қурилиш бюллетенидаги бу рақамлар кўриб мутасадди ўртоқлар шошиб қолишгани сир эмас.

Хайриятки, Бухоро уйсозлик комбинати бор экан. Бу соҳада вужудга келган шароитда комбинат коллективи чинакам фидойилик намунасини кўрсатмоқда. Бундан уч-тўрт йил муқаддам мазкур комбинат ҳам қолоқлар қаторидан мустаҳкам ўрин олган, уйсозларнинг номи барча йиғинларда турли келишикларда тусланар эди. Энди бўлса, уйсозлик комбинати илғорлар safida.

Ҳозир комбинат областдаги уй қурилиши ҳажмининг ярмидан зиёдини амалга оширяпти. Кейинги уч йил ичида корхона қувватидан фойдаланиш 66 процентдан 100 процентга етди. Бундай иш ҳажми маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан эскириб қолган ускуналар ёрдамида уддаланаётгани алоҳида диққатга лойиқ.

1987 йил иш натижаларига кўра, бухоролик уйсозлар меҳнати КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланганди. 1988 йилнинг биринчи ярми иш якунлари бўйича эса улар СССР Госстройи ва тармоқ ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ҳамда пул мукофотини қўлга киритишди.

Хўш, бундай муваффақиятлар замирида нималар бор?

Бу саволимизга комбинат раҳбарлари бир овоздан инсон омилини фаоллаштириш муҳим роль ўйнаётганлигини таъкидлашди. Сирасини айтганда, корхона раҳбарлари турғунлик йилларида бу омилни назар-писанд қилишмас, бинокорнинг иссиғи ёки совуғи ҳеч кимни қизиқтирмас эди.

Янги раҳбарлар ишни мана шу ташвишли аҳволни ўнглашдан бошлашди. Маълумки, темир-бетон буюмлари — замонавий қурилиш индустриясининг умуртқасуяги. Комбинатда эса темир-бетон конструкциялари заводи энг қолоқ участка ҳисобланиб, ишчилар бу ерда меҳнат қилишдан безиллаб қолишган эди.

Заводга малакали ишчиларни жалб қилиш зарур бўлиб, ишни уч сменада ташкил қилиш талаб этиларди. Биринчи навбатда дам олиш хоналари масаласи ҳал қилинди. Иссиқ овқат ташкил этиш керак бўлиб қолди. Раҳбарлар бу тадбирлар билан чекланмай, учала смена учун бепул иссиқ овқат ташкил қилишди. Эскириб қолган техника тўхтаб қолиб, панд бермаслиги учун ремонтчилар бригадаси кечакундуз кўз-қулоқ бўлиб турди.

Қисқа муддат ичида заводнинг ишлаб чиқариш кунлик қуввати 120 кубометрдан 200 кубометрга кўтарилди. Ишчилар дурустгина маош оладиган бўлишди. Ҳозир эса заводнинг қуввати 220 кубометрга етган. Бепул овқатлар бекор қилинган бўлса ҳам, ҳеч ким ишлаб чиқаришдан кетишни истаётгани йўқ. Ҳатто айрим касблар бўйича ишчилар конкурс асосида қабул қилинмоқда. Чунки комбинатда уй-жой муаммоси ҳам аллақачон ҳал қилинган.

Комбинат юксалиш сари юз ўгирган дастлабки йилда тежаб қолинган моддий ресурслар эвазига 80 та бир хонали квартиралар қуриб, уй-жой шароити оғир ишчи оилаларга берилди. Аслида бу квартираларни ёш ишчиларнинг ўзлари сменадан бўш вақтларида қуришди.

Ўтган йили яна юз оила шундай усулда қурилган квартираларга кўчиб ўтди. Бу йил ҳам худди шунча квартира фойдаланишга топширилади. Шундай қилиб комбинатнинг ҳар тўрт ишчисидан бири навбатдан ташқари янги уйга кўчиб кирди. Бу давр ичида фарзандлари кўпайган кўпгина ишчилар бу уйларни бўшатиб, кўп хонали квартиралар олишди. Уларнинг ўрнига эса янги ташкил топган оилалар кўчиб киришди.

Коллектив яна бир ташаббус билан чиқди. Комбинатнинг турғунлик йилларидаги мерос қолган брак маҳсулотлар «қабристони» ўрнида маданият-спорт комплекси қуришга киришилди. Маъмурият бунинг учун тежаб қолинган ресурсларни ажратадиган, ишчилар эса ўз кучлари билан ишга мадад берадиган бўлди. Шу мақсадда алоҳида бригада ташкил қилиниб, унинг бажарадиган иш ҳажмини бошқа бригадалар уддалаб, маошни ўзларининг коллектив жамғармаларидан тўлайдиган бўлишди.

Биз мазкур комплекс фойдаланишга топширилган дастлабки кунларда комбинатга келиб қолдик. Комбинат директори Ж. М. Норов комплекс биносини кўрсатди. Уни чинакам қурувчилар саройи деса муболаға эмас. Қишки волейбол ва баскетбол зали, видеобар, ошхона, ёзги кафе, рақс майдончаси, фин ҳаммоми, фавворалар отилиб турган хиёбон, турли маиший хизмат тармоқлари аслида «йўқдан бор бўлган»лиги, яъни бир коллективнинг ички резервлари ҳисобига барпо этилгани кишини ҳайратга солади.

Энди бу комплекс нафақат комбинат ишчилари, балки атроф микрорайонлардаги барча аҳолининг севимли оромгоҳига айланмоқда. Комбинат коллективи янги йилдан бошлаб комплексни касаба союзлари область Совети ихтиёрига топширишга қарор қилди.

Комплексни айланиб қайтар эканмиз, комбинатнинг энг кўринарли жойдаги «Ҳурмат тахта»сига назаримиз тушди. Ундаги фотосуратлар остидаги ёзувлар билан бирма-бир танишиб чиқдик. Темир-бетон буюмлари заводидан В. Любих, Х. Абкелямов, монтаж участкаларидан Я. Жумаев, И. Гора, Ш. Гадоев, пардозчилардан А. Сулаймонова, Л. Павловская бошлиқ бригадалар — бутун коллективнинг фахри.

Уч йил ичида 720 бухоролик комбинат коллективи пландан ташқари қуриб берган шинам квартираларга кўчиб кирди.

Эришилган бу натижалар инсон омилини фаоллаштириш, ишчи жаноби олийлари эҳтиёжлари билан ҳисоблашиш қандай имкониятлар беришини ёрқин далиллаб турипти. Мана шу резервлар ҳисобига коллектив ташаббуси билан комбинатда республикада биринчи бўлиб «Ц-0-90 С» серияли бинодеталларини ишлаб чиқаришга киришди. Тошкентлик лойиҳачилар ҳали ишни тугатмай туриб, бухоролик уйсозлар бу сериядаги панеллардан йиғилган дастлабки болалар боғчаси биносини фойдаланишга топширишди. Яна иккита шундай боғча фойдаланишга топширилади.

Янги сериянинг афзаллиги, шундаки, ундаги паннеллар ёрдамида керак бўлган тақдирда боғча, мактаб ёки магазин биноларини мослаб қуриш мумкин. Биз комбинат директори кабинетида суҳбатлашар эканмиз, телефон жиринглаб қолди. Бу СССР Госстройидан экан. Пойтахтлик мутахассислар янги серия билан қизиқиб қолиб, уни мамлакатнинг бошқа регионларида ҳам қўллаш мумкинлигини аниқлаш мақсадида конструкцияни синовдан ўтказмоқчи эканликларини маълум қилишди. Синов яқинда фойдаланишга топшириладиган боғча биносида ўтказилиши тўғрисида келишиб олинди.

Инсон омилига эътибор инсоний меҳнат учун коллективга беқиёс имкониятлар яратиб бераётгани шубҳасиз. Афсуски, таъминот соҳасидаги ишкаллар уларнинг барчасини сафарбар қилишга имкон бермаяпти. Комбинатга иш ҳажмини янада ошириш учун темир сим, линолеум, шифер ва бошқа материаллар етишмаяпти. «Госснаб»нинг область базаси фонд тақсимоти шароитида белгиланганидан зиёд материаллар етказиб беролмайди. Оқибатда комбинат ишлаб чиқариши ҳар ойда 3—4 кунлаб бекор турмоқда. Фақат учинчи квартал мобайнида шундай тўхташлар туфайли 700 минг сўмлик иш бажарилмай қолди.

Бу эса қўшимча ўнлаб оилаларнинг ҳовли тўйларини орқага суриб юборди. Бундай фактлар материалларнинг очиқ улгуржи савдосини ташкил қилмай туриб шунчаки ҳисобот учун ўтказиладиган тадбирдан бошқа нарса эмаслигини очиқ кўрсатиб турибди. Бухоро уйсозлик комбинати қаби корхоналарга «Уй-жой» программасини тезроқ бажариш учун улгуржи савдони вақтни қўлдан бой бермай жорий қилиш кераклигини ҳаётнинг ўзи таъкидлаб турибди.

Бухоро уйсозлари иш тажрибаси республикага кенг ёйишга арзигулик. Ваҳолонки, ҳозирча ҳатто область миқёсида ҳам бу тажрибани ўрганиш ва оммалаштиришнинг таъсирчан тадбирлари кўрилмаяпти. Агар комбинатда тўпланган тажриба областдаги бошқа уй-жой қурилиши ташкилотларида ҳам қўлланилганда, бу соҳадаги аҳвол шунчалик танг бўлмас эди.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Маҳсулдорлик камаймаяпти

Айни кунларда республикамизнинг илғор хўжаликларида чорва қишловини намунали ўтказиш учун кураш қизитилмоқда. Улар говмишлару қорамолларни сервитамин, ширали озуқалар билан парваришлаб, қиш фаслида ҳам маҳсулдорликни камайтирмаётирлар.

Наманган районидаги С. Оржоникидзе номли колхоз суттовар фермаси миришкорлари ҳам қишловни соз ўтказишаётир. Бу ерда 995 бош қорамол боқилмоқда. Уларнинг бари семиз ва соғлом. Бинобарин хўжаликда қишлов учун пухта ҳозирлик кўрилгани яхши бўлди. 2219 тонна дағал хашак, 1703 тонна силос, 1 миллион тонна лавлаги ва бошқа озуқалар тайёрлаб қўйилганди. Шунинг учун ҳам бу ерда моллар маҳсулдорлиги юқори. Коллектив ўтган йили сут тайёрлаш планини ортиғи билан бажарди. 100 тоннадан зиёд гўшт тайёрланди.

Илғор сут соғувчилардан М. Машрабова, Х. Алиқулова, ва А. Жўраевалар ҳар бир сигирдан 3000 килограммга яқин сут соғиб олишганди. Улар ҳозирги кунларда ҳам ўз боқимларидаги говмишлардан мўл-кўл сут соғиб олишга эришмоқдалар. Молбоқарлардан Ҳ. Раҳмонов билан Н. Каримов ҳам қорамолларни тўйимли озуқалар билан боқишаётир.

Суратларда: 1. Илғор молбоқарлардан Ҳ. Раҳмонов ва Н. Каримов. 2. Меҳр билан парваришланаётган қорамоллар.

В. МОЛГАЧЕВ фотолари.



ҚИШДА ҲАМ ЁЗДАГИДЕК

Жиззах теплица хўжалиги деҳқонлари савдо тармоқларини мунтазам равишда помидор, бодринг, лимон ҳамда хилма-хил кўкатлар билан таъминлашга эътиборни қаратмоқдалар. Янги йилнинг ўтган кунларида бир ярим тонна помидор-бодринг, 3 тоннадан зиёд лимон, кўплаб хушбўй кўкатлар сотилди.

Райондаги «Коммунизм» совхози эса ҳозиргача эл дастурхонига 5 тонна лимон, 50 тонна помидор ва 100 тоннага яқин бодринг етказиб берди. Хўжалик ҳисоби асосида ишлаётган Д. Ибодов бошлиқ бригада аъзолари айниқса, самарали меҳнат қилишмоқда. Сабзавотчилардан Н. Қудратов, М. Сувоновалар 4 гектар майдондаги теплицанинг ҳар бир квадрат метридан самарали фойдаланишга эришишаётир.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«АВЛИЁБОБОНИНГ СИРИ»

— Газетанинг ўтган йил 249-сонида эълон қилинган ушбу мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз, — дейилади **ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ**нинг редакцияга юборган жавоб мактубида. — Министрликнинг Семашко номли Физиотерапия ва курортология ҳамда Дерматология илмий-тадқиқот институтларининг ходимлари 1982, 1986, 1987 ва 1988 йилларда Бухоро областининг Ромитан районидаги Хўжа Уббон жойини текшириб чиқдилар. Айни пайтда шифоланиш учун шу ерга келаётган кишиларни тадқиқ этиш бўйича экспедиция ишларини олиб бордилар. Унда область соғлиқни сақлаш бўлими ва маҳаллий партия органларининг вакиллари иштирок этдилар.

Булоқдан олинган сув ва шу жойга туташ территориянинг тупроғи Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Физиотерапия ва курортология ҳамда республика Фанлар академияси Тупроқшунослик ва агрохимия институтларининг лабораторияларида бир неча марта ўрганиб чиқилди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Хўжа Уббон чашмасининг суви ўз таркибига кўра, оддий сувнинг ўзидир. Уни Бухоро областининг бошқа районларидан ҳам олиш мумкин. Тупроқнинг минерал таркибида ҳам бирон янгилик топилмади. Бизнинг фикримизча, айрим кишиларнинг бу ердан баъзи ҳолларда шифо топишларига иқлимий омиллар жумладан, ультрабинафша радиация сабаб бўлмоқда.

Шунинг натижасида маҳаллий аҳоли ўртасида булоқ сувининг шифолилигига ишонч ортиб, ёз пайтлари бу ерга 180—200 кишигача бемор келади. Жазирама иссиқда, кичик территорияда шунча миқдордаги одамларнинг истиқомат қилиши, санитария-гигиена нормаларнинг энг оддий қонун-қоидаларига риоя этмаслик эпидемия вазиятининг вужудга келиш хавфини туғдиради ва у юқумли касалликлар пайдо бўлиб, авж олишига имкон бериши мумкин.

Шу муносабат билан республика Соғлиқни сақлаш министрлиги 1986 йилда область ижроия комитети маблағлари ҳисобига мавсумий шифохона қуришни тавсия этди. Унда зарур коммуналмаиший хизматлари бўлган ёзги павильонлар бунёд этилиши лозим. Кейинчалик уни хўжалик ҳисобига ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Соғлиқни сақлаш министрлиги эпидемия режимига риоя қилиш устидан назорат ўрнатишни, шунингдек, у ерда даволанувчиларнинг медицина таъминотини ўз зиммасига олади.

— Бухоро областини 1989 йилда иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантириш планида Хўжа Уббон массивида 50 ўринли профилакторий қурилишини лойиҳалаш ва бошлаб юбориш кўзда тутилган, — дейилади **ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ** юборган жавобда.

Шунингдек, **ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ** юборган жавобда ҳам юқоридаги фикрлар тасдиқланган.

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

Гурлан районидаги «Гулистон» совхози — Хоразм областидаги шоличиликка ихтисослашган йирик хўжаликлардан бири.

Бу ерда асосий тармоқни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, чорвачилик эътиборсиз қолиб кетганди. Хўжалик раҳбарлари эндиликда бунга чек қўйиб, чорвачиликни ҳам ривожлантиришга киришдилар. Шу мақсадда чорва молларини ижарага беришга қарор қилинди. Бу ишга собиқ ферма мудири, коммунист Назар Гулманов бошчилик қилмоқда. Н. Гулманов бошлиқ тўртта ижарачи 250 буқача ва 200 чўчқани шартнома асосида қабул қилиб олди. Айни 'кунларда ижарачилар ўз боқимларидаги жониворларни меҳр билан парваришламоқдалар. Улар яқин кунлар ичида етилган молларни гўштга топширадилар. Бундан колхоз ва ижарачиларнинг ўзи яхши самара кўриш кутилмоқда.

Б. ПАК.

• *Фанимиз жонкуярлари*

ИЗЧИЛЛИК

Бадиий ижод барча масалаларда худди ҳаётнинг ўзи янглиг турфа ранг ва хилма-хилдир. Унинг сирли ва сеҳрли жозибаларини бир қолипга солиш мумкин эмас. Шу боисдан ҳар бир санъаткорнинг бадиий ижодга кириб келиш йўли ҳам ўзига хос тарзда рўй беради. Масалан, баъзилар ижодий истеъдод талаб қилувчи соҳага бошқаларга нисбатан анчагина кеч кириб келадилар. Бундайларнинг ишончи оқлашига адабий ва илмий жамоатчилик аввалига шубҳа билан қарайди. Зеро, кўпинча, шу шубҳа тўғри бўлиб ҳам чиқади. Аммо шундайлар ҳам бўладики, бу дастлабки ўринсиз шубҳаларни тезлик билан рад этади, иқтидори ва истеъдоди билан адабий жараёндан ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллайди. Бу — адабиётда ва танқидчиликда камдан-кам учрайдиган ҳодисадир.

Айни кунларда етмиш ёшга тўлган ва ҳамон баракали ижод қилаётган Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Ҳамза мукофоти лауреати Матёқуб Қўшжонов ана шундай ижодкорлардан биридир.

У адабий танқидчиликка эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмида кириб келди. Илк мақолалари матбуотда чиққан вақтда у деярли қирқни қоралаб қолган, бироқ, энг асосийси, жуда катта ҳаётий тажрибага эга эди. Ғалаба кунигача Улуғ Ватан уруши жангоҳларида бўлиш, она диёрга қайтгач, Ўрта Осиё Давлат университетидаги таҳсил, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги фаолият, Москвада Ижтимоий фанлар академиясида ўқиб орттирилган тажрибалар М. Қўшжоновнинг шахс сифатида шаклланишида ҳам, бўлажак танқидчи сифатида вояга етишида ҳам муҳим роль ўйнади.

Буюк рус танқидчилари Чернишевский, Добролюбов ва, айниқса, Белинскийнинг меросини чуқур ўрганиш, айтиш мумкинки, М. Қўшжонов илмий тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. У ўзининг «Бадиий асар композицияси ҳақида мулоҳазалар», «Социалистик реализм — мазмун ва форма жиҳатидан энг юксак метод» сингари дастлабки мақолаларида ўзбек адабиётининг назарий масалаларини ва у билан алоқадорликдаги ёзувчи маҳорати проблемаларини дадил, пухта ишлади ва ёзувчиларнинг ҳам, адабий жамоатчиликнинг ҳам ҳурматини қозонди. Ойбек маҳоратини тадқиқ этиш, маҳоратнинг сир-асрорларини аниқлашга интилиш эса, М. Қўшжоновнинг буткул ижодий йўлини ва услубини белгилаб берди, десак хато қилмаган бўламиз.

Ўтган ўттиз йил мобайнида у ўттиздан ортиқ монография, мақолалар тўплами, рисолалар, юзлаб мақолалар эълон қилди. Улар ичида Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ижодини тадқиқ этишга бағишланган фундаментал тадқиқотлардан тортиб, Абдулла Орипов ижодига бағишланган рисолагача борки, бу илмий ишларнинг барчасини бир марказий ўқ бирлаштириб туради, бу ҳам бўлса ҳар бир санъаткорнинг ўзига хос маҳоратини, бу маҳоратни белгилаган омилларни излаш, топиш ва кўрсатишга интилишдир.

Ўзбек адабиётининг ютуқ ва камчиликларини, таниқли ёзувчиларимизнинг ижодий қиёфасини Ватанимиз ва ҳаётимиз ҳақидаги монографияси алоҳида қимматлидир. Китоб Москвада икки марта нашр этилди. Қатор ёзувчиларимиз ижодий портрети ёритилган «Щедрость таланта» китоби ҳам пойтахтда босилиб чиқди. Иккала китоб ҳам муаллифининггина эмас, умуман, сўнгги босқич адабиётшунослигимизнинг ютуқларидандир. Гап уларнинг марказда босилиб чиқишидагина эмас, албатта. Бу ерда асосий масала ўзбек танқидчисининг умумиттифоқ талаблари даражасида туриб фикрлай олишида ва Иттифоқ миқёсидаги жуда бой ва ранг-баранг адабий жараёндаги ўзбек ёзувчиларининг ўрни ва ролини кўрсатиб бера олишидадир.

М. Қўшжонов мақолалари моҳият эътибори билан сўнгги босқич ўзбек танқидчилигида талабчанлик ва принципиаллиқ намуналари сифатида алоҳида ўрин тутади. Лекин унинг баъзи мақолаларида талабчанлик сусайган ҳолатларни, айрим асарлар эса бирмунча зўрма-зўракилик билан баҳоланишини кўрмаслик, сезмаслик мумкин эмас. Бошқа баъзи танқидчилар учун ҳам бегона бўлмаган ҳамда давр муҳири ва шахс ижодидаги пастбаландликлар билан изоҳланиши лозим бўлган бу қусурлар айни вақтда адабиётшунос фаолиятининг улкан илмий-назарий қимматига, партиявий ва халқчил моҳиятига соя ташлай олмаслиги ҳам шубҳасиздир.

Танқидчи қайси бир ёзувчи асарини тадқиқ этмасин, ундан санъат нурларини излайди, аниқланган ва топилган бу нурлар мунаққид талқинида маҳорат ёғдуларига айланади ва бу ёғдулар ўз навбатида ушбу мақолаларни ўқиган ҳар бир китобхон қалбига ёзувчи қалб гўзаллигининг очилиши бўлиб инади.

М. Қўшжонов мақолаларининг яна бир муҳим хусусияти бор. Унинг мақолалари адабий жамоатчилик ва ёзувчилар учунгина эмас, кенг халқ оммаси учун ҳам ўзига хос тарбиявий аҳамият касб этади. Адабий қаҳрамонлар талқини мисолида илгари сурилган фикрлар замондошларимизда ҳаётда ўз ўринларини топа олишга интилиш учун рағбат уйғотади. Бу фикрни унинг мақолаларигагина эмас, ўз табиати, шахси ва характерига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Олимнинг сўнгги икки-уч йил ичида нашр этилган «Ҳамза маҳоратидан лавҳалар», «Айний бадиийининг эволюцияси», «Абдулла Қаҳҳор маҳорати» монографияларида, номидан кўринибдек, уч буюк адиб бадиий оламининг айрим қирраларини очиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Ҳамза ҳақида, унинг маҳорати хусусида, очиғини айтганда, ҳатто М. Қўшжоновдек билимдон, ҳассос адабиётшунос учун ҳам ёзиш осон эмас. Ахир, у ҳақда қанчадан-қанча монографияю диссертациялар, рисолаю мақолалар ёзилмаган дейсиз. Эндиликда Ҳамза ҳақида ёзишга интилиш, ҳаракат у тўғрисида бирор янги гап айтишга журъат сезиш демакдир.

М. Қўшжоновнинг «Ҳамза маҳоратидан лавҳалар» китобида шоир дунёқарашининг эволюцияси ҳақидаги кузатувлар айниқса эътиборлидир. Масалан, олим таъкидлашича, Ҳамза дабдурустдан инқилобчи шоир бўлиб қолган эмас, унинг инқилобдан аввалги ижодида маълум муддат тузум иллатларини фош этиш диний-мистик ва баъзан тўшкун кайфиятлар билан ҳам ёнма-ён боради. Давр зиддиятларини тўғри тушуниш натижаси ўлароқ айрим тўғри реалистик картиналар яратсада, дунёқарашдаги чекланиш туфайли ғоявий-эстетик ҳукмга оид материалистик позицияда баъзан изчиллик кўрсатолмайди, чунки, ҳаётдаги зиддиятларнинг диалектикасини етарлича теран тушуниб етмайди. Худди мана шу диалектикани секин-аста тушуниб етиш Ҳамзани воқеаликдаги қарамақаршиликнинг синфий моҳиятини англашга олиб келади. Бу эса ўз навбатида шоир бадиий онгидаги сатирик тафаккурнинг ривожини таъминлайди. Санъаткор ижодидаги танқидий йўналиш кучаювини таъминлаган омил худди шудир. Бу эса, пировардида Ҳамза ижодида ижтимоий мотивлар чуқурлашувига олиб келади.

Демак, «Туҳматчилар жазоси», «Ким тўғри», «Бурунги қозилар ёки Майсаранинг иши» сингари асарларнинг юзага келиш сабаби бундай асарларга давр муҳтожлиги билангина эмас, Ҳамза сатирик тафаккуридаги маҳоратнинг каттагина тажриба йўлини босиб ўтганлиги билан ҳам изоҳланади. «Ҳамза маҳоратидан лавҳалар» китобининг яна бир хусусияти шундаки, муаллиф буюк санъаткор ижодини фақат социологик нуқтаи назардангина таҳлил қилиб қолмасдан, балки эстетик жиҳатдан тадқиқ этишга кўпроқ эътибор беради.

«Айний бадиийининг эволюцияси» монографиясида ҳам олим ўз услубига содиқ қолади: буюк ёзувчи асарларининг бадиий баркамоллиги ва бу баркамолликни белгилаган факторларни ёритиш бутун тадқиқот давомида авторнинг диққат марказида туради.

С. Айний асарларини таҳлил этиш асосида муаллиф тарихий типологик ва қиёсий тадқиқ усулларига мурожаат этади. С. Айний билан Ҳамза инқилобий поэзиясининг, «Бухоро жаллодлари» билан «Ўтган кунлар»нинг, «Дохунда» билан «Қутлуғ қон»нинг қиёсий таҳлили, бу қиёсда ҳар бир адибнинг ўзига хос ва айни вақтда ижод типлари нуқтаи назаридан муштарак жиҳатларини аниқлаш С. Айний маҳоратининг тадрижини аниқлаш аспектида очиб борилади. «Эсдаликлар»нинг атрофлича таҳлили бизни, айни вақтда, бу асар авторининг ёшлиги, дунёқарашининг шаклланиши, инсон ва ижодкор сифатида оёққа туриш жараёни билан яқиндан таништиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Садриддин Айний ҳақидаги бу монография қадимдан бир жон-бир тан бўлиб яшаб келаётган икки халқнинг дўстлиги, биродарлигини мустаҳкамлашга, адабий ва маданий алоқаларини янада кучайтиришга, бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд халқларнинг ўзаро меҳрини янада кучайтириш ишига муносиб ҳисса қўшиш жиҳатидан ҳам қимматлидир.

«Абдулла Қаҳҳор маҳорати» монографиясини узоқ йиллар давомида олиб борилган кузатувларнинг, чуқур изланишларнинг синтези дейиш мумкин. Маълумки, олим бу улкан ижодкор ҳақида докторлик диссертацияси ёқлади, монографиялар эълон қилди. Уларнинг барчасида қаҳҳорона индивидуал услубни таҳлил этиш марказий ўринни эгаллайди. Навбатдаги янги китобнинг фазилатини ҳам шу хусусият ташкил этади, дейиш мумкин.

Матёқуб Қўшжонов тадқиқотлари, монографиялари, мақолалари орасида худди айрим бадиий асарлар сингари баъзан давр синовига дош беролмайдиган, баъзан баҳсли ва мунозарали фикр уйғотадиганлари ҳам йўқ эмас. Бу илм учун, ижод учун табиий бир ҳол, албатта. Лекин бир нарса аниқ ва қувонарли: М. Қўшжонов мақолалари ва китобларининг асосий қисми деярли ўттиз йилдан буён адабий жараёнга фаол таъсир кўрсатиб келмоқда.

Бахтиёр НАЗАРОВ,
филология фанлари доктори.

• *Янгиликдан хабарингиз борми?*

МУХЛИСЛАРНИ ЧОРЛАЙМИЗ

Ўзбекистон ССР Давлат физкультура ва спорт комитетидан хабар қилишларича янги йилда республикамиз спортчилари йирик мусобақаларда иштирок этишга даъват этилганлар. Маълумки, бу йилдан бўлажак олимпиадага тайёргарлик тўрт йиллиги бошланади. Мутахассислар ана шу йирик спорт анжуманига муносиб ёшларни тарбиялашга алоҳида аҳамият беришмоқда. Ой бошида классик кураш бўйича ўсмирлар ўртасида Бутуниттифоқ мусобақалари бўлиб ўтди. Тошкентда ўтказилган бу беллашувлар муросасиз баҳсларга бойлиги билан кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Февраль-март ойларида Бутуниттифоқ биринчи қишки ёшлар спорт ўйинларига старт берилади. Республикамиз ёшлари ҳам спортнинг тоғ чанги, фристайл, фигурали учиш ҳамда хоккей турлари бўйича мусобақаларда қатнашиб, маҳорат кўрсатишга шайланишмоқда. Тўртинчи марта ўтказиладиган Ўзбекистон ёзги ёшлар ўйинлари бўлажак йирик баҳсларга тайёргарлик босқичи бўлиб қолади. Мусобақалар февраль ойида бошланиб, май ойида ниҳоясига етади. Ёшлар спортнинг 37 тури бўйича мусобақалашадилар. Ана шу республика мусобақасида кучлилар сараланиб Ўзбекистон терма командаси таркиб топади. Бу команда эса ёз ойларида мамлакатимиз турли шаҳарларида ўтадиган Бутуниттифоқ ёшлар ўйинларида қатнашадилар. Ёшлар ўйинларини ўтказишдан мақсад бўлажак олимпиадачиларни тарбиялашдан иборат.

Хоразмлик мухлисларни ҳозирданоқ қувонтириш мумкин. Бу ерда 19—23 ноябрь кунлари самбочиларнинг Бутуниттифоқ очиқ турнирини ўтказиш мўлжалланди. Республика пойтахтида ҳам бир қатор баҳслар уюштирилади. Чунончи сув тўпи бўйича биринчи лига командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг учрашувлари 3—6 март кунлари давом этади. Олий лига вакили ҳисобланган волейболчи қизлар эса 5-тур ўйинларини 21—26 январь кунлари бошлайдилар. Ўйлаймизки, бу мусобақада «Автомобилист» ўз мавқеини бирмунча мустаҳкамлаб олади. 10—15 октябрь кунлари теннис бўйича мамлакат чемпионатининг Тошкентда ўтказилиши ҳам кўпчиликка маъқул келмоқда. «Пахтакор» командасининг ўринбосарлари — иккинчи лигаларнинг еттинчи зонасига киришувчи республика командалари учрашувларни апрелда бошлаб, октябрда якунлайдилар. Йил мобайнида ишчилар спартакиадаси билан боғлиқ оммавий мусобақалар давом этаверади.

ЧИНИҚҚАНГА ЧАНГ ЮҚМАС

Дунёнинг ишлари қизиқ. Қиш-қировли кунларда биров иссиқ жойга ошиқса, бошқа киши музни ёриб сувга шўнгишдан завқланади. Умр бўйи музликлар ва қор бўронларга ўрганган денгиз арслони цирк манежида, минг оҳангга йўрғалаб томошабинлар олқишига сазовор. Республика пойтахтининг Анҳор бўйига жойлашган «Морж» клуби аъзоларининг ҳам қувончи чексиз. Улар муздек сув «сеҳри»дан фойдаланиб, чиниқмоқдалар. Саломатликларини мустаҳкамлашмоқда. «Морж»ларни врач К. Болтаев доим назорат қилиб туради.

Суратларда: ўрғатилган денгиз арслонларининг чиқиши. Тошкентлик «морж»лар Анҳор бўйида.

С. ДРОЗДОВ ва Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзТАГ) фотолари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

15, 22, 29 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА

ПРЕМЬЕРА

Иззат СУЛТОН

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ

(драматик ривоят)

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Латиф ФАЙЗИЕВ.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РАССОМ — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Б. НАЗАРОВ.

Кийимлар бўйича рассом — Н. Нуриддинов.

КОМПОЗИТОР — Ўзбекистон ССР халқ артисти Сайфи ЖАЛИЛ.

Режиссёр ассистенти — Ҳ. ҚУЛАБДУЛЛАЕВ.

СПЕКТАКЛДА

СССР халқ артистлари, СССР Давлат мукофоти лауреатлари: Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Зикир Муҳаммаджонов;

Ўзбекистон ССР халқ артистлари, СССР Давлат мукофоти лауреатлари: Т. Азизов, Ё. Аҳмедов, С. Табибуллаев;

Ўзбекистон ССР халқ артистлари, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреатлари: Я. Абдуллаева, И. Болтаева;

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Ш. Азизова, Ғ. Аъзамов, Р. Иброҳимова, Т. Тожиев, Т. Хонтўраев, Т. Каримов;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Р. Авазов, М. Абдуқундузов, Г. Зокирова, Х. Юнусов;

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари: М. Ражабов С. Умаров ва театрнинг бутун ижодий коллективи қатнашади.

ТЕАТРНИНГ БОШ РЕЖИССЕРИ — Латиф ФАЙЗИЕВ.

Касса соат 12 дан очиқ.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

1989-1990 ўқув йили учун

СИРТҚИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига СССР Қуролли Кучлари сафларидан запасга бўшатилганлар, ўрта мактабни тугатгандан сўнг биргина хўжаликда камида икки йил меҳнат стажига эга бўлган илғор колхозчилар, ишчилар ҳамда ўқув ишлаб чиқариш бригадаларининг аъзолари бўлган умумий таълим мактабларининг битирувчилари хўжаликлар йўлланмаси билан қабул қилинади.

Институт агрономия мутахассислиги бўйича: агрохимия ва тупроқшунослик, агрономия (селлекция ва уруғчилик), мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, зоотехника, агросаноат комплекслари тармоқларини бошқариш ва унинг иқтисоди, бухгалтерия ҳисоби, контроль ва хўжалик фаолиятининг таҳлили бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар ректор номига ариза, иш жойидан йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), **ишлаб чиқариш ва партия-комсомол характеристикаси, 8 дона фотосурат** (3х4 см), **медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирмани тақдим этадилар.**

Агрономия мутахассислигига кирувчилар биология ва химиядан, экономика мутахассислигига кирувчилар биология ва математикадан суҳбатдан ўтказилади.

ҲУЖЖАТЛАР 1 ФЕВРАЛДАН 15 МАРТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

СУҲБАТЛАР 15 МАРТДАН 25 МАРТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Тингловчилар сафига қабул қилиш 25 мартдан 31 мартгача ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 АПРЕЛДАН БОШЛАНАДИ.

СИРТҚИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИДА БИТИРИШ ИМТИҲОНЛАРИДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТГАН ТИНГЛОВЧИЛАР, ИНСТИТУТНИНГ СИРТҚИ ВА КУНДУЗГИ БЎЛИМЛАРИНИНГ 1 КУРСИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Адрес: 700183, Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими. Телефон: 62-23-02.

ОГОҲ БЎЛИНГ, ЯХМАЛАК!

Ҳаммаёқни оппоқ қор қоплади. Кўпчилик анчадан бери бунақа қорни соғинган эди. Ҳа, бу ўзига яраша ташвишлар ҳам туғдирди. Кимдир тойғоқда йиқилиб майиб бўлди, кимдир машинасида авария содир этди, яна кимдир транспорт кутиб ишга кеч қолди...

Табиийки, бекатларда автобус кутиб қолган йўловчилар сони кескин кўпайди. Кўпчиликни ишга келиб-кетиш ташвиши безовта қиляпти. Хўш, Тошкент шаҳар ижроия комитети пассажирларга автотранспорт хизмати кўрсатиш бош бошқармаси бу борада қандай иш тутяпти. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари С. Аъзамовдан шу кеча-кундузда шаҳар пассажир транспортидаги аҳвол ҳақида сўрадик:

— Бекатларда автобус кутиб турган йўловчига мурожаат қилсангиз, албатта, транспорт ёмон ишлаяпти, деган эътирозни эшитасиз, — деб сўз бошлади у.

— Лекин нега ёмон ишлаяпти? Тўғри, транспортчилар ишни ташкил этишда танайгина камчиликларга йўл қўйяпти. Аммо бошқа сабаблар ҳам борки, бундан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, шу кеча-кундузда йўллар яхмалак, қор вақтида тозаланмаган.

8 январь якшанба куни пассажир транспорти ҳаракати 4212 рейса камайди. Йўлларнинг вақтида тозаланмаганлиги оқибатида яхмалак ҳосил бўлди, транспорт тезлиги камайди. Масалан, Генерал Петров, Форобий, Зиё Сад кўчаларида, Генерал Узоқов — Улуғбек, София каби проспектларда пассажир транспорти ҳаракати қийинлашди.

Қорақамиш 2/1 массивидаги «Табассум» магазини бекатидамиз. Бекатга ҳар замонда битта автобус келиб тўхтамоқда. Атроф ойнадек яхмалак. Транспорт тўхташ ва жойидан қўзғалиш пайтида катта қийинчилик туғилмоқда. Йўловчилардан бири, шу ерга озгина туз ёки қум сепишса, асакалари кетармиди, дея луқма ташлайди.

Қизиқ, ёзда ҳаммаёқни чангитиб, бекатларни супуриб юрувчи фаррошлар ҳам кўринмайди.

Бундан чиқди, шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасидаги масъул ўртоқлар ўз ишларини яхши ташкил этиша олмаяпти. Кўчаларга, бекатларга, чорраҳаларга ўз вақтида туз ёки қум сепилмади. Натижада катта ноқулайликлар туғилди. Хуллас, яна қор ёғмайди, деб ҳеч ким кафиллик беролмайди. Қиш қишлигини қилаверади. Шундай экан, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ободонлаштириш бош бошқармаси раҳбарлари зудлик билан аҳволни ўнглаш чораларини кўришлари керак. Йўлкалардаги қорларни тозалайдиган тракторлардан, қор курайдиган ва қум сепадиган машиналардан унумли фойдаланиш зарур.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, кўча ва йўлкаларда яхмалак бўлмаслиги учун ҳамма баравар қайғуришига тўғри келади. Афсуски, айрим корхона ва ташкилотларда ўзларига бириктирилган территорияларни вақтида қордан тозалашни унутиб қўйишганга ўхшайди.

Д. ҚИРҒИЗБОЕВ.

• *СПОРТ*

ЮГУРИБ, ҲАМ КУРАШИБ

✦ ТАЪТИЛ КУНЛАРИ. Республикамиз мактаб ўқувчиларининг қишки дам олиш кунлари мароқли ва мазмунли ўтиши учун шароитлар яратишга ҳаракат қилинди. Ўқувчилар катта-кичик мусобақаларга жалб этилиши кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Жумладан, Қаршидаги пионер ва ўқувчилар саройи бассейнида ўтказилган мусобақада юздан ортиқ бола мовий йўлкаларда ўзаро баҳслашди. Турли масофаларга сузишда Ю. Жеребенков, А. Фастов, И. Сатторов, О. Комаровалар совринли ўринларни эгаллашди. Бухорода эса ўқувчиларнинг оммавий югуришлари уюштирилиб, унда минглаб ўғил-қиз марра сари интилди. Шунингдек, классик кураш мусобақасида 120 бола ўзаро беллашди. Эркин кураш ва самбо мусобақалари ҳам қизиқарли ўтди.

Редактор
У. УСМОНОВ.

• *Тингланг, томоша қилинг*

11 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Қилаётган қиши». Бадиий фильм, 1 ва 2-серия-лар. 11.30 — Янгиликлар. 11.40 — Мультконцерт. 12.20 — Лирик концерт. 12.55 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Сайловлар олдидан. 16.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.35 — Мусиқали хазина. 17.30 — Болалар соати. 18.30 — Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мультфильмлар. 19.45 — Сиз бунга қодирсиз. 20.15 — «Қилаётган қиши». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Сайловлар олдидан. 22.15 — Славян ёзуви ва маданияти байрами. 23.25 — Фильм-концерт. 00.15 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Теварак-атроф билан танишиш. 9.55 — Ҳужжатли фильм. 10.05 — Немис тили. 10.55 — Рассом К. Васильев. 11.35 — Умумий биология. 12.05 — Немис тили. 13.05 — Янгиликлар. 13.15 — «Аэропортдаги воқеа». Бадиий фильм. 1-серия. 14.30 — «Кит байрами». 14.55 — Ҳужжатли фильм. 17.35 — Янгиликлар. 17.45 — «Аэропортдаги воқеа». Бадиий фильм. 2-серия. 19.00 — Ритмик гимнастика. 19.30 — А. Эйзен куйлайди. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Бадиий гимнастика. СССР чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Сайловлар олдидан. 22.15 — «Аэропортдаги воқеа». Бадиий фильм. 2-серия. 23.30 — Футбол. Халқаро турнир. СССР-I — АҚШ. 00.10 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.15 — «Кечиришларнинг ҳикояси бу». Бадиий фильм. 16.50 — Ҳужжатли фильм. 17.20 — Янги йил саргузашти. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Инсон ва қонун. 19.15 — Тилга эътибор. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Сайловлар олдидан. 22.15 — «Иқбол».

ЎзТВ-II. 19.30 — «Оқ бўриларнинг». Бадиий фильм. 21.05 — «Кубик». Тележурнал. 21.15 — Оқшом эртаклари. Фрунзе. 21.30 — Время. 22.05 — Сайловлар олдидан. 22.15 — «Ҳозирча бўйдоқман». Бадиий фильм.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Бизга мактуб йўллабсиз. 9.30 — Эстрада концерти. 9.45 — Партиявий иш: шакл ва услубларнинг янгиланиши. 10.15 — Фаропонлик йўлидан. 11.15 — Юнность. 12.00 — «Ўзбекистон индустриальнийи». 12.30 — Концерт. 12.50 — Шеърий лаҳзалар. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Концерт. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Китоб менинг дўстим. 15.50 — Интернационал рухда тарбиялашда тил маданиятининг роли. 16.00 — Қизим! Сариқ! Яшил! 18.15 — Қишлоқ ҳаёти. 18.30 — Концерт. 19.20 — Аланга. 19.40 — Қайта қуриш радиоанкетаси. 20.15 — Крим татар халқ қўшиқлари. 21.10 — Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар. 21.30 — Қишлоқ оқшомлари. 22.45 — Мусиқали ҳаёт янгиликлари.

Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлигининг

«УЗРЕМШИНА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

бош директор лавозимига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда олий маълумотли ва раҳбарлик лавозимларида камида 5 йил ишлаган, 55 ёшгача бўлган кишилар қатнаша оладилар.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700034, Тошкент шаҳри, Дадабоев кўчаси, 52-уй. Справкалар учун телефон — 48-55-89.

ДИҚҚАТ!

МОСКВА шаҳар Совети ижроия комитетининг ихтирочилик кооператив марказида ишловчи

Москва шаҳрининг энг яхши патентшунослари

Ихтирочилик кооператив маркази (ИКЦ)нинг Тошкент бўлими орқали буюртмалар, патент тадқиқотлари ва ихтироларни жорий этиш ҳужжатларни расмийлаштиришда

ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Автомобилларни олиб қочишга қарши икки қутбли муҳофаза этувчи ва жиноятчини ушлаб қоладиган дунёда энг яхши сигнализацияни сотади ва ўрнатади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 39-уй. Телефон: 53-59-91.

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси секретариати, марказий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари «Советская культура» газетасининг ўз мухбири В. Р. Ниёзматовга онаси

Нигора Аҳмедовна НИЁЗМАТОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси АПНнинг Ўзбекистондаги бўлими мудири, СССР Ёзувчилар союзи аъзоси Т. Р. Ниёзматовга онаси

Нигора Аҳмедовна НИЁЗМАТОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги институти коллективи «Саноат иқтисоди» кафедраси доценти

Миразим Анбарович ҲОШИМЖОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент политехника институти ректорати, партия ва касаба союз комитетлари ҳамда инженерлик-қурилиш факультетининг йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш кафедраси коллективи доцент У. А. Ғозиевга онаси

Любать ШУКУРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ахборот агентлиги (ЎзТАГ) таржима бош редакциясининг ходими Дилором Маҳкамовага отаси

Анбар МАҲКАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-15-20, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р — 07519. Б — 9. ИНДЕКС 64383. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12